

№ 04
4
10-19

О. Мадаев



ИНШО,
КАНДАЙ
ЁЗИЛАДИ?



•УЎҚИТУВЧИ•

452
4
M.B.
O. МАДАЕВ

O'zbek filologiyasi
fakul'teti
O'QUV ZAL

ИНШО ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ

Ўрта махсус ўқув юртларининг
ўқитувчилари учун методик
қўлланма

ЎзССР Халқ таълими министрлиги
тасдиқлаган


~~XXXX~~
O'zbek filologiyasi
fakul'teti
KUTUBXONASI

УЧЕБНАЯ
библиотека
ТашГУ

1622
ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1991
MIRZONAVOVIY NOMIDAGI
TOSHDU'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI



ТАКРИЗЧИЛАР: А. Абдураззоқов, филология фанлари номзоди, М. Ҳасанова, Тошкент полиграфия техникуми ўқитувчиси, С. Тўлаганова, Тошкент қурилиш техникуми ўқитувчиси.



М $\frac{4807000000 - 107}{353 (04) - 91}$ 137-91

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 1991

ISBN 5-645-01219-4

*Мураббийлик касбига ҳавас уй-
готган онам Ўзбекистон ССР Халқ
маорифи аълочиси, шахсий пенси-
онер АЗИЗА ИСОМИДДИН қизи-
га бағишлайман.*

СУЗ БОШИ

Ўқувчини ижодий ишга ўргатиш ҳар бир фан ўқи-
тувчисининг бурчи ҳисобланади. Ёзма иш эса мустақил
ишлаш кўникмасини ҳосил қилишда асосий ўрин тута-
ди. Афеуски, ўрта махсус билим юртларини тугаллаган
ёшларнинг адабий темаларда ёзган иншолари мазмуни
ҳаддан ташқари бир-бирига ўхшаб кетмоқда. Ҳатто ке-
йинги икки-уч йил ичида олий ўқув юртларига кириш
учун эркин темада ёзилаётган иншоларда ҳам алоҳида
эътиборга молик мустақил фикрларни учратиш амри
маҳол бўлиб қоляпти. Бу кўнгилсиз ҳолатнинг вужудга
келиш сабабларини жуда кўп омилларга боғлаш мум-
кин. Аммо улар орасида тўрт омилни алоҳида ажра-
тишни зарур деб биламиз: 1. Ўқувчиларнинг адабиёт
фани асосларини ўзлаштириш манбаларидан ҳисоблан-
ган дарслик. 2. Мазкур дарсликдаги маълумотларни
ўқувчиларга етказиш йўллари кўрсатувчи методик
қўлланмалар. 3. Ўқувчиларга фан асосларини тушунти-
рувчи ўқитувчи. 4. Бевосита ўқувчиларнинг ўзлари. Бу
тўрт омилнинг биронтаси талаб даражасида бўлмаса,
ўқиш-ўқитиш жараёнида номувофиқлик вужудга келади.
Таълим олдига қўйилган мақсадга эришиш мушкулла-
шади. Ваҳоланки, ҳозирги кунда на мактаб дарслиги,
на методик қўлланмаларимиз, на ўқувчиларнинг ада-
биёт дарсларига бўлган қизиқишларини қониқарли деб
бўлмайди. Ҳатто ўқитувчилар ҳам ўз вазифаларига
масъулият билан қарамоқдалар, дейиш қийин.

Партия ва ҳукуматимиз умумий таълим ва ҳунар
мактабларидаги ўқиш ишларини яхшилашга қаратил-
ган қатор тадбирлар қабул қилди. Улар ўрта махсус
билим юртларига ҳам тааллуқлидир. Аммо, кўп ҳоллар-
да бу тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилишини жой-
лардаги мутасадди ўртоқлар назорат қилмаяптилар.

Кейинги йилларда ўрта мактаблар учун яратилган
программа ва дарсликлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Ўрта махсус билим юртларида ўрганиладиган мате-

риалларни ўқувчиларга тушунтириш йўллари бўйича кўрсатма берувчи методик қўлланмаларнинг яратилиши ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Бу соҳада кўзга кўринарли биронта жиддий методик асарни намуна қилиб кўрсатиш амри маҳол. Бинобарин, етакчи методистларимиз ўрта махсус билим юртлари ва техникумларда катта тажриба тўплаган малакали ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўрта махсус билим юртларида янги иш бошлаган ёш мутахассисларга ёрдам кўрсатиш усулларини белгилаб чиқсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маориф соҳасида 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида тўплаган тажрибамиз дарс машғулотларини ўтишда ўқитувчининг малакаси, тажрибаси, шахсий фазилатлари, билим даражаси асосий омиллардан эканини тасдиқлади. Ўқувчиларни бадий адабиётнинг гўзал оламига олиб кириш, уларни сўз санъати сирларини пайқай оладиган асл китобхон қилиб етиштиришда ўқитувчининг маҳорати жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Изланувчан ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчиларнинг билим савиялари заифлигидан шикоят қилмайди. У бир неча машғулот давомида ўз талабаларига бадий адабиётнинг инсон руҳига таъсир этиш кучидан фойдаланган ҳолда маълумот беради ва шу тариқа уларнинг билимларини ошириб боради.

Тажрибали ўқитувчилар синф ўқувчиларини кўпинча уч тоифага бўладилар: биринчи тоифани билимга чанқоқ ўқувчилар; иккинчи тоифани лоқайд ўқувчилар ташкил этадилар. Бундай ўқувчилар ўқитувчининг топшириқларини фақат баҳо олиш учунгина бажарадилар. Иш давомида алоҳида ташаббус кўрсатмайдилар. Учинчи тоифага билим олишни истамайдиган ўқувчилар мансуб бўлади. Бу тоифадаги ўқувчилар машғулотни ўтказишга халақит берадилар. Ортиқча луқмалар билан синф эътиборини мавзудан четга тортмоқчи бўладилар. Бизнинг вазифамиз ана шундай талабалардан сўз санъатини севувчи китобхонлар тарбиялашдан иборат. Мутахассис бутун эътиборини ўз ҳаётини бадий адабиётдан ажраган ҳолда тасаввур эта олмайдиган юксак дидли китобхонни тарбиялаб етказишга қаратмоғи лозим. Агар жамиятдаги одамларнинг маънавий қиёфаси кўп жиҳатдан санъат ва адабиётнинг аҳволи билан белгиланишини ҳисобга олсак, санъат ва адабиётнинг гараққиёти даражаси, ўз навбатида, бевосита китоб-

хоининг эстетик диди, савиясининг даражасига боғлиқлиги аён бўлиб қолади.

Афсуски, кейинги йилларда адабиёт дарслари мактаб дарслигида баён қилинган фикрларни кўр-кўрона қайта баён қилиш, ёдлаш машғулотларига айланиб қолди. Уқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган маълумотларни мустақил англаш, бадний адабиётнинг эстетик гўзаллигини қабул қилиш эмас, балки ўқитувчининг ихтиёрига кўра машғулот давомида қайд этилганларни қайта такрорлаб бериб, зарурий баҳонни олишга ҳаракат қиладилар. Умумий таълим ва ҳунар мактабларимизда бадний асар таҳлилни бевосита бадний текстдан келиб чиққан ҳолда эмас, адабиётшуносликдаги умумий фикрларни тушуниб-тушунмай баён қилишдан иборат бўлиб қолмоқда.

30-йиллардаги Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом ижодини аралаштириб юбориш, Ғофир билан Йўлчи, Мирзакаримбой билан Солиҳбой ўртасидаги ўзига хос хусусиятларни ажратмаслик ана шу камчиликдан келиб чиқмоқда. Уқиниш ва ўқитишимиздаги бу нуқсон, ўз навбатида, ёзма ишларда ҳам кўзга ташланади. Баъзи ишоларда ёзувчи, асар номи, образларнинг исмларини ўзгартiriш мутлақо унинг мазмунига таъсир этмайди. Бундай ҳолатлар дарс машғулотлари сифатини тубдан ўзгартiriшни тақозо қилмоқда.

Айрим ўқувчилар ҳунар мактабларига илмий адабиёт намунаси сифатида мураккаб бўлган дарсликларининга эмас, хрестоматияда келтирилган бадний нарчаларни ҳам равои ўқиниш малакасига эга бўлмаган ҳолда келадилар. Улар текстни бўғинма-бўғин, ҳарфма-ҳарф ўқийдилар. Бу эса ўқитувчининг иш фаолиятини янада қийинлаштиради. Чаласавод бўлган талабани ёзма иш ёзишга ўргатиш қўшимча меҳнатни, муттасил иш олиб боришни талаб қиладди. Албатта, ўқитувчи бундай ҳолларда билим жиҳатдан заиф ўқувчига таълим беришдан тамоман воз кечиб, бир амаллаб уни ҳунар мактабни тугаттириб юборишга эмас, аста-секин дуруст ўзлаштирадиган ўқувчилар қаторидан ўрни олишга кўмаклашишни, унга алоҳида эътибор беришни маъқул. Бинобарин, ўрта мактабнинг қуйи синфларида объектив ёки субъектив сабабларга кўра етарли маълумот олмаган ўқувчиларни жуда эҳтиёткорлик билан адабиёт оламига олиб киришимиз, ҳар биринга индивидуал ёндашган ҳолда иш тутишимиз яхши натижа беради.

Қўлланмада иншоларнинг темалари, план тузish йўллари, иншо ёзишга ўргатишнинг усуллари ҳақида фикр юритар эканмиз, улардан тахминий намуналар бердик. Албатта, бу намуналарни иншо ёзишда асосий мезон сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Уларнинг ҳар бири ўқитувчининг, синфнинг хусусиятига қараб ўзгартирилиши мумкин. Айрим иншо текстларида ёзилаётган тема юзасидан мураккаброқ фикрлар ҳам айtilган бўлиши мумкин. Ўқитувчи улардан синф савиясини эътиборга олган ҳолда фойдаланади.

ИНШО НАЗАРИЯСИ

Ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатиш давомида иншо назарияси ҳақида, ёзма нутқнинг қонун-қоидалари ҳақида маълумот бериб бориш зарур. Оғзаки нутқ билан ёзма нутқ ўртасидаги фарқ ҳақида ҳар бир ўқувчи тасаввур ҳосил қилиши керак. Оғзаки нутқда сўзловчи ўз мулоҳазаларини айтиш давомида қўл ҳаракатлари билан фикрининг осонроқ тушунилишига эришади. У нутқнинг мазмунига кўра оҳанг танлай олиш имконига эга. Сўзлаш давомида интонацияни ўзгартириши, айрим нотўғри ўринларни йўл-йўлакай тuzатиб бориши мумкин. Аммо ёзма нутқда баён этилаётган фикр орфографик, пунктуацион, услубий қоидаларга тўла амал қилинган ҳолда ёзилмоғи лозим. Ёзилган фикрда ноаниқ жумлалар, имло хатоларига йўл қўйилган сўзлар бўлмаслиги лозим. Ўқитувчи ўз суҳбатида ноўрин қўйилган ёки зарур ўринда қўйилмаган вергул гапнинг мазмунини тамоман ўзгартириб юбориши мумкинлигини тушунтиради. *Аваллари халққа зулм қилган, қуллар меҳнати эвазига бойлик орттирган қулдорлар эндиликда Ҳасан ва Фотималарнинг тақдирига ҳам чанг солмоқчи бўладилар* тарзида тузилган гапда вергулнинг тушиб қолиши жумланинг маъносини бузиб юборади, натижада «қуллар халққа зулм қилган» деган фикр келиб чиқади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга ёзма ишларни ёзишда авторнинг масъулияти ҳақида ҳам тушунча беради. Кўпинча ўқувчилар имло қоидаларига мутлақо эътибор қилмаган ҳолда фақат тавсия этилган иншоларнинг темасини ёритиш юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этишга киришиб кетадилар. Улар бир сўзни бир неча кўринишда ҳам ёзаверадилар. Масалан, «Ҳамид Олимжон»ни бир сафар «Ҳамид Олимжон», иккинчи сафар «Ҳомид Олижон», кейинчалик эса «Ҳомид Олимжон» тарзида ёзадилар. Иншодаги хатолар устида ишлаш

машғулотида ўқувчининг таниқли ёзувчиларнинг исм-фамилияларини тўғри ёза олиш-олмасликларни маълум бўлади. Айнан шу ҳолат Фафур Ғулом (Ғофир Ғулом), Муқимий (Муқумий), Абдулла Қаҳҳор (Абдулла Қох-хор) каби шоир ва ёзувчиларнинг исм-фамилияларини ёзишда ҳам кўзга ташланади. Ўқитувчи имлосини билган сўзда хатога йўл қўйиш ўз тақдирига бефарқ қараш билан тенг эканлигини алоҳида уқтирмоғи лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчи масъулиятни ҳис қилиб ишга киришгандан бошлаб ёзма ишлардаги имло хатолари хийла камая боради.

Иншо назарияси ҳақида маълумот берганда «иншо» сўзининг маъносини шарҳлаш яхши натижа беради. Хусусан, классик адабиёт луғатларида «иншо» сўзи, биринчидан, *пайдо қилиш, юзага келтириш*; иккинчидан, *ижод, сочма асар*; учинчидан, *ёзув, хат, вужудга келтирмоқ, ёзмоқ, битмоқ* маъноларини билдириши айтилади. Иншо ёзиш маълум мавзу юзасидан мустақил фикрни ёзма тарзда ифодалаш экани тушунтирилади. Бундай шарҳнинг муҳим аҳамияти шундаки, ўқувчи иншо ёзиш ижод қилиш эканлигини англаб олади. Ишнинг дастлабки босқичиданоқ иншо бировнинг фикрини, дарсликдаги маълумотни кўчириш эмас, балки тема ҳақида мустақил фикр юритиш маҳсули эканлигига ургу берилади. Синф савиясига қараб «иншо» сўзининг аввалги маъноси ҳозирги кунда торайгани қайд этилади. Авваллари бирон шахс томонидан ёзилган ҳар бир текст иншо деб тушунилган. Мактублар, илмий асарлар, шахсий архивда сақланувчи кундаликлар «иншо» термини билан юритилган. Ҳозирда эса, асосан, ўзбек тили ва адабиёти фани юзасидан маълум темага бағишланган ёзма ишлар мазкур атама билан юритилади. Демак, «иншо» терминининг маъноси ҳозирги вақтда торайган. Бундай маълумотларни ўқитувчи лозим топсагина ўз ўқувчиларига айтиши мумкин.

Иншо назариясида ёзиладиган темаларни мазмун жиҳатдан турларга ажратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича ёзиладиган иншолар уч турга бўлинади:

1. Адабий темадаги иншолар.
2. Адабий-ижодий темадаги иншолар.
3. Ижодий ёки эркин темадаги иншолар.

1. Адабий темадаги иншоларга ўқитувчи томонидан дарс машғулотларида тушунтирилган ва адабиёт дарс-

лигида қайд қилинган темалар киради. Жумладан, «Ҳамза Ҳакимзода — инқилоб куйчиси», «Ҳамза — ўзбек совет драматурги», «Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Гофир образига характеристика» мавзулари дарсликда алоҳида мақола сифатида берилган ва бу темаларга ўқитувчи дарс жараёнида алоҳида соат ажратади.

2. Адабий-ижодий темалардаги иншоларни ёзишда эса, бир томондан, дарсда алоҳида мавзу сифатида олинган маълумотлар, иккинчи томондан, синфдан ташқари ўқувчи ўзлаштирган материаллар ҳақида фикр юритиш талаб қилинади. Биринчи турдаги иншоларни ёзишда ўқувчининг мустақил фикрлаши нисбатан чегараланган бўлади. Аммо бу мулоҳаза уларда мустақил фикрлаш талаб қилинмас экан, деган хулосага олиб келмаслиги лозим. Иккинчи турдаги иншоларда ўқувчининг мустақиллиги ёрқинроқ сезилади. Чунки уларни ёзишда ўқувчининг темага муносабати етакчи аҳамият касб этади.

«Ҳамид Олимжон шеърларини севиб ўқийман», «Йўлчи — мен севган қаҳрамон», «Синчалак» повестидан олган таассуротларим» кабилар адабий-ижодий темаларни ташкил этади.

3. Ижодий (эркин) иншолар бевосита адабиёт фани программасида қайд этилмаган мавзуларда ёзилади. Бадний адабиётнинг муҳлиси сифатида ўқилган асарлар ҳақида, партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида, касб-ҳунар танлаш мавзуида ёзиладиган иншолар шулар жумласига киради.

Иш жараёнида ўқувчиларга ҳар учала турдаги иншоларни ёзиш йўлларини ўргатишимиз зарур. Аммо асосий эътибор адабий темаларга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, одатда, адабий темалардаги иншоларнинг ёзилишини яхши ўзлаштирган ўқувчи адабий-ижодий, ижодий иншоларни ёзишда у қадар қийинчилик сезмайди. Қўлланманинг кейинги қисмларида ҳар бир турдаги иншоларни ёзиш йўллари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Ўқувчилар иншо ёзиш малакасини ҳосил қилишлари давомида *тема, план, эпиграф, тезис, далил, абзац* каби терминларнинг маъносини ҳам ўзлаштириб олишлари керак.

Тема

Тема иншонинг нима ҳақида ёзилишини белгилайди. Тема ўқувчига тушунарли тарзда тузилиши лозим. Одатда, иншо темаси содда ва атов гаплардан тузилади. Унинг аниқ ва изчил тарзда тузилиши иншонинг ижобий натижасини таъминлайди. Тема билан танишган ўқувчи иншонинг композициясини, тузилишини, нима-лар ҳақида фикрлаш лозимлигини тасаввур этиши керак. Акс ҳолда, иншо темадан ташқари масалаларга бағишланиб қолиши мумкин.

Тема характери жиҳатидан кенг, тор, содда, мураккаб бўлади. Масалан, «Ҳамза — драматург» темаси «Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Ғофир образига характеристика» темасидан, «Ҳамид Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ижоди» темаси «Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладаси» темасидан кенг ҳисобланади. Фикр юритиладиган масалалар кўп бўлганлиги сабабли кенг темаларнинг ҳар бирини алоҳида чуқур ёритиш талаб этилмайди. Тор темаларда эса таҳлил чуқурроқ бўлади.

«Ғафур Ғулومнинг «Кўкан» поэмасидаги Кўкан образига характеристика», «Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидаги Саида образи» темалари «Ғафур Ғулумнинг «Кўкан» поэмасида коллективлаштириш даврининг акс этиши», «Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида ҳозирги давр қишлоқ ҳаётининг акс этиши» каби темалардан содда ҳисобланади. Чунки дастлабки темаларда ёзиладиган иншоларда асосан битта образга характеристика бериш назарда тутилган ва уларда бадиий тарзда ифодаланган ҳаёт билан объектив ижтимоий ҳаётнинг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш у қадар талаб қилинмайди. Кейинги мавзуларда эса ҳаёт ҳақида ёзиш муҳимдир. Шунинг учун иншога тайёргарлик даврида тавсия этиладиган темаларнинг асосий йўналиши билан ўқувчиларни таништириш ёмон бўлмайди.

Иншо темаларини тавсия этишда ўқувчиларнинг билим савиясини, қизиқишини, адабий асарларнинг қанчалик ўзлаштирилишини ҳисобга олиш керак.

П л а н

Иншонинг планини тузиш уни ёзиш жараёнидаги энг муҳим босқичлардан биридир. Маълумки, ўрта мактаб-

даги иншо плани характер жиҳатдан икки хил бўлади: а) содда план; б) мураккаб план. Ўқувчи план турини ёзилаётган теманинг хусусиятига қараб танлайди. Содда планин мураккаб планга қарама-қарши қўйиш, бирини иккинчисидан афзал деб билиш тўғри эмас. Гап планин қайси турини танлашда эмас, уни қайтарзда тузишдадир. Иншо темалари мазмун ва йўналтиш жиҳатидан турлича бўлади. Адабий темаларда кўпроқ мураккаб план тузиш маъқул бўлса, адабий-ижодий ва ижодий темаларда иншо ёзишда содда план тузиш маъқул. Ундан ташқари, тема классик адабиёт ёки совет адабиёти материаллари ҳақида бўлиши мумкин. Ёки ёзувчи ҳаёти, ижоди, бадиий асарнинг ғоявий мазмуни, асардаги қаҳрамонларга характеристика беришни талаб қиладиган темалар бўлади. Агар бадиий асарнинг ғоявий мазмунини ёритувчи иншога содда план тузиш кўпроқ мос келса, образларга характеристика беришни тақозо этадиган темаларга мураккаб план тузиш маъқул. Иншонинг планини тузишдан аввал темани ёритиш учун қандай масалаларга эътибор бериш лозимлигини ўқувчи мустақил аниқлаши ва ўз хоҳишига кўра план кўринишини танлаши лозим.

Урта махсус билим юртларида айрим ўқитувчилар содда планга қарши чиқадилар. Теманинг хусусиятидан қатъий назар, ўз талабаларидан мураккаб план тузишни талаб қиладилар. Бу тўғри эмас. Ўқувчидан мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришни жузъий масалаларни ҳал қилишдан бошлаш керак. Хусусан, бу вазифани план тузишдан бошласа ҳам бўлади. Чунки кейинги пайтларда мураккаб планин тузиш шаблонлашиб қолди. Кўпчиллик иншо планларини бир-биридан фарқлаш қийин бўлиб бормоқда. Содда план эса ана шу бир хиллик аъъанасини маълум даражада бузди, ўқувчини фикрлашга мажбур қиладди, деб ўйлаймиз.

Қайд қилганимиздек, план иншо мазмунининг асосини ташкил этади. Бинобарин, план билан танишишнинг ўзиёқ ёзма ишнинг савияси, мазмуни ҳақида тасаввур ҳосил қиладди. Масалан, «А. Қаҳҳор — ҳикоянавис» темасини олайлик.

Бир ўқувчи бу темани ёритиш учун қуйидагича план тузди:

1. Кириш:

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди.

II. Асосий қисм:

1. «Бемор».
2. «Ўғри».
3. «Асрор бобо».

III. Хулоса:

А. Қаҳҳор ҳаёти ва ижодининг аҳамияти.

Иккинчи ўқувчи шу темага қуйидагича план тузди

I. Кириш:

1. Ҳикоя ўзбек совет адабиётидаги етакчи жанрлардан биридир.
2. А. Қаҳҳор ижодининг ўзбек ҳикоячилигида туган ўрни.

II. Асосий қисм:

1. Ёзувчи ҳикояларининг тематикаси.
2. Утмиш ҳаёт тасвири А. Қаҳҳор ҳикояларининг асосий мавзуларидандир.
3. А. Қаҳҳорнинг совет даври ҳаёти акс этган ҳикоялари ҳақида маълумот.
4. Ёзувчининг образ яратиш маҳорати.
5. А. Қаҳҳор ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари.

III. Хулоса:

1. А. Қаҳҳор — моҳир сўз устаси.
2. А. Қаҳҳор ҳикояларини севиб ўқийман.

Бир темага тузилган икки хил планнинг сифати бир-биридан тамоман фарқ қилади. Биринчи ўқувчининг иккинчи плани ҳатто элементар талабларга ҳам жавоб бермайди. Панда ёзувчи ҳикояларига оид қандай масалалар ёритилиши деярли акс этмаган. Фақат учта ҳикоя ҳақида қисман фикр юритилиши талаб этилади, холос. Иккинчи планнинг автори масалага анча жиддий ёндашган. У тузган режа тавсия этилган теманинг мазмунини кенг ёритиш имконини беради. Бу пландаги асосий қисмга тегишли моддалар, хулосадаги иккинчи модда ажратилиб тартиблаштирилса, содда планнинг нусхаси ҳосил бўлади.

Иккинчи таърифгарлик кўриляётганда план темага мос бўлиши ҳақида алоҳида тушунча берилди. Кўп ҳолларда ўқувчи тавсия этилган темага эмас, ўзи билди-

ган материалга суяниб план тузади. Агар иншода Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида янги ҳаёт тарзи ҳақида ёзиш талаб қилинса, ўқувчи ўзини қийнаб ўтирмай, Зайнаб ва Омон образларига характеристика беришни мўлжаллаб режа тузади. Демак, ўқувчи теманинг моҳиятини яхши англаб етмай, иншо ёзишга етарли тайёргарлик кўрмай туриб ишга киришади. Ҳукутовчи темага мос бўлмаган иншоларнинг камчиликларини хатолар устида ишлаш машғулотида кўрсатиб беради. Айрим ўқувчилар эркин темадаги иншоларни ёзишда план тузиш шарт ё шарт эмаслигини қайта-қайта сўрашади. Уларга бундай иншога план тузиш мураккаброқ бўлгани сабабли иншони плансиз ёзиш қулай туюлади. Биз бу тушунчанинг нотўғри эканлигини, плансиз ёзилган иншода фикрни изчил баён этиш мумкин эмаслигини аниқлашимиз, эркин темага план тузиш йўллари билан ўқувчиларни таништиришимиз лозим.

Ҳар бир ўқувчи планнинг мақсадга мувофиқ тузилиши иншо ёзишни анча қулайлаштиришини тўла англаб етса, ёзма иш ёзиш малакасини сингдириши ҳам шунча осонлашади.

Э п и г р а ф

Бу сўзнинг маъносига ЎзСЭда шундай таъриф берилади: «Эпиграф ...адабий асарнинг ёки унинг бирор қисми (боб)нинг тепасига ёзиб қўйилган ва шу асар ёки қисм (боб)нинг мазмунини ифодалайдиган, асосий гоясини очиб берадиган цитата, ибора, мақола ёки матал, афоризм, ҳикматли сўз, халқ қўшиғи, байтлар ва ҳ. к.»

Эпиграфдан ўқувчилар иншо ёзишда ҳам фойдаланадилар. Аммо улар танлаган эпиграфлар ҳамиша ҳам иншонинг мазмунига мос келавермайди. Ҳукутовчи, эпиграф иншонинг мазмунини ўзида мужассамлаши кераклиги ҳақида маълумот беради. Ҳар бир иншода эпиграфдан фойдаланиш шарт, деган нотўғри фикрга чек қўйиш керак. Эпиграф ўқувчининг иншо темасига масъулият билан тайёргарлик кўрганлигидан, унда айтмоқчи бўлган фикр аниқ тасаввур қилганлигидан далолат беради. «Адабиёт — ҳаёт дарслиги», «Санъатсиз ҳаёт ваҳшийликдир» каби темалар моҳиятини умумий тарзда ифодаловчи эпиграфларни ёзиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ўқувчи фақат иншонинг са-

виясини кўтаришга хизмат қилган эпиграф ёзган ўқувчиларни рағбатлантиради.

Ўқувчилар «Ҳамид Олимжон — шодлик ва бахт куйчиси» темасидаги иншога:

«Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим,
Шунинг учун шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим»

(Ҳ. Олимжон.),

«Меҳнат — бахт келтирар» темасидаги иншога: «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат» мақолини эпиграф қилиб келтирадилар. Бизнингча, улар топган шеърый мисралар ва мақол иншонинг мазмунига мос келади ва бу эпиграфлар иншонинг савиясини кўтаришга хизмат қилади.

Тезис

Тезис иншода баён қилинадиган асосий фикрдан иборат. Тажрибали ўқитувчилар ўз ўқувчиларида иншонинг тезисини тузиш малакасини ҳосил қилишга алоҳида эътибор билан қарайдилар. Одатда, планда келтирилган моддалар бир оз шарҳланганда иншо тезисига айланади. Кейинчалик ана шу тезисдаги фикр кенгайтирилади ва далилланади. Натижада иншонинг тексти планда қайд қилинган моддалар, моддалар шарҳланган тезислар, уларнинг кенгайтирилган изоҳи, далиллар ва хулосалардан иборат бўлади.

Д а л и л

Ўқувчилар ўз фикрларини далиллашни оғзаки савол-жавоб жараёнида ўрганадилар. Ўқувчининг ўтилган тема ҳақидаги фикри албатта адабий материалдан мисол келтирилган ҳолда далилланади. Далил келтиришнинг зарурлиги ўқувчида бевосита биринчи манбага мувожаат қилиш мажбуриятини юклайди. Ўқитувчи иш фаолиятида далиллаш санъатини яхши эгаллаган бўлса, ўқувчиларни далиллаш усуллари билан таништириб борса, ёзма ишни ёзишга ўргатиш анча осонлашади. Масалан, Ҳ. Олимжоннинг 30-йиллар ижоди ҳақида гап борганда, бу даврда совет халқи қўлга киритган меҳнат ғалабалари ҳақида тўхтаб ўтилади. Мамлакатимизда ишга туша бошлаган йирик корхоналар, ГЭС-

лар, каналлар қайд этилади. Меҳнат фақат одамларнинг яшаш даражасини кўтарибгина қолмай, табиатда ҳам ижобий ўзгаришлар ҳосил қилгани айтилади. Шоирнинг ҳаётдаги ўзгаришларни сўз санъаткори сифатида қабул қилгани, унинг ижодида социалистик тузум яратган янгиликлар акс этгани таъкидланади. Шундан сўнг унинг «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда» каби асарлари эсга олинади ва мисол тариқасида шеърини парчалар ўқилади. Бу жараён иншо ёзишда ҳам муҳим ҳисобланади: ўқувчи маълум мавзу юзасидан кенгроқ мулоҳаза юритишни ва далиллашни ўргана боради.

Иншода далиллаш аниқса лирик ёки лиро-эпик асарлар ҳақида мулоҳаза юритилганда зарур ҳисобланади. Ўқувчи бирон шоирнинг ижоди ҳақидаги фикрларини саҳифа-саҳифа ёзгани ҳолда унинг қаламига мансуб шеърини парчалардан намуна келтирмаса, иншо мазмунан қашшоқ чиқади.

Ёзувчи, шоир, адабиётшуносларнинг асарларидан аниқ келтирилган далил *цитата* дейилади. Афсуски, ҳамма ўқувчилар ҳам цитатада автор сўзларини сира ўзгартирмасдан, айнан келтириш кераклигини яхши билмайдилар. Ўқитувчи цитата ёзма ишни бажараётган шахс томонидан жуда аниқ келтирилгандагина қўштирноқ орасига олиниб, кўчирма гап тарзида берилиши лозимлигини ўқитиши керак. Баъзан шеърнинг мазмунини ифодаловчи жумлалар ўқувчи томонидан нотўғри равишда қўштирноқ орасига олинади. Масалан, Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри таҳлилида Ғ. Ғулом «Ҳақиқий етимликни мен бошимдан кечирганман» деб айтади» каби жумлаларни ўқиймиз.

Ваҳоланки, шоир:

Мен етим ўтганман,
Оҳ, у етимлик...
Вой бечора жоним,
Десам арзийди, —

деган эди. Бундай ҳолларда биз шоирнинг бирон сўз ёки иборасини аниқ келтиролмаган ўқувчи ўз далилини ўзлаштира гап шаклида ёзиши мумкинлигини айтишимиз керак. Ўзлаштира гап иншодаги далилнинг қимматини мутлақо туширмайди, муаллифнинг фикрига деярли тенг туради.

Иншо ёзиш малакасини ҳосил қилишда *абзац* ҳақида маълумот бериш ҳам талаб этилади. «Абзац — босма ёки ёзма текстда хатнинг биринчи қаторидан жой ташлаб бошлаш», дейилган УЗСЭда. Ҳар бир янги фикр абзацдан бошланади. Бинобарин, абзац ёзма иш авторининг мулоҳаза юритаётган масала юзасидан янги фикр баён этаётганини билдиради. Иншода, жуда бўлмаганда, планда қайд этилган алоҳида моддалар юзасидан баён этилган фикр абзацдан бошланади. Демак, иншода жами 5 модда берилган бўлса, ўқувчи камида беш марта абзацдан ёзиши лозим. Баъзан модданинг ички қисмида бир неча фикр баён этилади. Уларнинг ҳар бири ҳам абзацдан бошланади. Абзац ўқувчида бир мулоҳазани якунлаб, иккинчисига ўтиш малакасини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иншонинг изчил, план асосида ёзилишини таъминловчи омиллардан ҳисобланади.

Хуллас, ўқувчиларга иншо ёзишни ўргатишнинг дастлабки босқичи иншо назарияси ҳақида дастлабки маълумот беришдир. Бу кўникмалар тобора мустаҳкамланиб борилади.

ИНШО ЁЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўрта махсус билим юртларида адабиёт фанидан машғулотларни олиб бораётган ўқитувчи бевосита фан асосларини ўқувчиларга тушунтиришни бошлашдан аввал уларнинг билим даражаларини аниқлаб олади. Одатда, бу тadbир 5—8-синфларда ўрганилган материаллар юзасидан суҳбат ўтказиш, ўқувчилар нутқида қўлланган айрим сўзларни доскага ёздириш, синфдан ташқари ўрганилган бадий адабиётларни сўраб-суриштириш, айрим ўқувчиларга шеър ёдлатиш ва, ниҳоят, диктант ўтказиш орқали амалга оширилади. Синф контингенти ўқитувчининг текширувидан ўтгандан сўнг машғулотларни уюштириш режаси тузилади. Тажриба шуни кўрсатадики, программа бўйича планлаштирилган муддатда олдиндан тайёргарлик кўрмаган ҳолда иншо олиш яхши натижа бермайди. Хусусан, ўрта мактабнинг 8-синфини тугатиб келган ўқувчи ўзбек классик адабиётидан хронологик принцип асосида маълумотга эга бўлиб, ўрта махсус билим юртига ўқишга кирган. Ўқитувчи дастлаб унга 9-синф программасига оид совет

а бикр юритилмаган образлар ҳақида уй иншосини топ-
дириш ҳам яхши натижа беради. Вақт имкониятидан
Гориб чиққан ҳолда бу иншони ҳам ўқитувчи фронтал
тушасириши ва ўқувчилар фикрини аниқлаши мумкин.
ли бундан кейинкининг «Она» романи ҳақидаги уй иншоси, асо-
жада ўқувчиларни программа асосида ёзиладиган таъ-
ларни иншооларга тайёрлаш мақсадини кўзда тутати.
мушқуқуйидаги темаларда бўлиши мумкин: «Михаил
ҳақидаги ҳақидаги фикрларим», «Павелнинг ёшлиги»,
нода:рей Находкадаги менга ёққан фазилатлар» ва ҳ. к.
да қисса, Михаил Власов ҳақида ёзиладиган иншо ўқув-
лозининг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлан-
ларга ёрдам беради. Чунки Михаил Власов роман-
ҳам бир томондан, хотинини урадиган, атрофдагиларни
тишлар кўрмайдиган, ичкиликка берилган шахс сифатида
веланиб қолган. Иккинчи томондан, у ўз меҳнати билан
ринчи ўқитувчи оила бошлиғидир. Одатда, Михаил Власов
натижа ҳақида иншо ёзган ўқувчилар синфда икки гу-
а ажралиб кетадилар. Биринчи гуруҳ унинг салбий
В. Власовларини, иккинчи гуруҳ унинг ижобий хусусиятла-
адабиёт кўрсатиб, ўз фикрларини далиллар билан исбот-
унинг далили. Ўқитувчи ҳар икки тараф ёзган иншооларни
биринчи гуруҳ. Фикр айтмоқчи бўлган ҳар бир ўқувчига
натижа. Фикрларини яратади. Шундан сўнг хулоса ясайди.
ган фикрларни айтишда Михаил Власовнинг ўзгалар
мида ана шу фикрларнинг асослигини, касал бўлиб қолганда,
мисоллар орқали, умумини эслаш яхши бўлади. Ўқув-
адабиётнинг ижтимоий аҳамияти катта авлод вакили эканига
чи истаган асарини мисол. Бу авлод ҳали капитализм-
айтиб ўтади. Бунда албатта кураш олиб бориш малакаси-
рига эмас, классик адабиётнинг шароит ҳали етилмагани-
мурожаат қилиш ҳам мумкин. Шундан кейин Михаилнинг кўп
нинг «Фарҳод ва Ширин» достони муомалада бўлиши, ка-
мумкин. Навоий ўзининг бу достонини сабаби аён бў-
сусиятларга эга бўлиши керак. Ҳатти-ҳаракатлари тари-
бериб, ўз ўқувчисини инсонпарварлик билдириш формаси
ликка чақиради. XV асрдаги баъзи мувофиқ бўлади.
ларни ижобий ҳал қилиш йўлида билим даражаси ўрта-
Айнан ана шу билан у халқ Власовнинг ёмон одам эмас.

Агар ўқувчи бадиий адиб муносабати орқали исбот-
ҳақида уч-тўрт гап туза олувчи фикрча, ит ёмон одамга
эришган ҳисобланади. Михаил Власовнинг ити эса уни
лил қилишда советлар эди. У ишдан чиққунга қалар ку-
В. И. Лениннинг ўлганда эса мазкур фикрнинг устидан жин-
нчаллик уйга келмай, инсонлик келмай.

Бу фикрлар ўқувчининг мустақил фикрлай бошлаганидан далолат беради. Ёзувчининг маҳорат сирлари калитини топишга ҳаракат қилганини кўрсатади. Ўқитувчи бундай фикрлашни бошлаган ўқувчини рағбатлантириши, уни қўллаши, бошқа болаларни ҳам шундай фикрлашга чақириши лозим.

Программа бўйича ёзиладиган иншолардан аввал ҳар бир ёзувчи асари ҳақида ана шундай характердаги ёзма ишлар ёзишга одатлантириш керак. Жумладан: Ҳамза ижодини ўтганда, Гулбаҳор, Хонзода, Мاستон образлари; Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарини ўтганда, Ермат, Унсин, Шокир ота образлари; Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасини ўтганда, тун тасвири, Анор хола образи ҳақида алоҳида иншолар ёзиш мумкин.

Иншо ёзишга тайёргарлик кўришда ўқувчи оғзаки жавобда қанчалик мукамал билимга эга эканлигини кўрсата олса, унинг иншоси ҳам шунчалик мазмунли бўлади.

Ўқитувчи янги темани план асосида ўтиши, айтилиши лозим бўлган фикрларнинг планини ўқувчиларга тавсия этиши лозим. Ўқувчилар оғзаки жавобга ана шу план асосида тайёрланадилар. Аста-секин уларда мустақил план тузиш малакаси ҳосил бўла боради. Бу ёзма иш ёзишга ўргатишда муҳим ҳисобланади. Ўқитувчи бунда бир неча усулдан фойдаланиши мумкин. Масалан, бирон образга характеристика бериш мақсадида план тузилади, дейлик. Ўқувчи ана шу планнинг ҳар бир моддасига бирма-бир жавоб беради. Ўқувчиларда маълум малака ҳосил бўлгандан сўнг эса пландаги бирор модда ихтиёрий равишда танлаб олинади ва фақат ана шу моддага жавоб бериш дарси уюштирилади. Энг муҳими, иншога тайёрланиш жараёнида мактаб дарслигидаги фикрларга боғланиб қолмаслик, эркин фикрлашга интилишдир. Бошқа бадий асарлардаги қаҳрамонларни эслаш, бадий текстда мавжуд бўлган, аммо дарсликда қайд этилмаган эпизодларга мурожаат қилиш маъқул. Масалан, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини ўрганишда Мирзакаримбой образи ҳақида фикр юритилади. Бу образ ҳақида иншо ёздириш ҳам мумкин. Ўқитувчи Мирзакаримбойнинг разиллиги ҳақида фикр юритиб, уни Қора Аҳмад билан солиштиради. Қора Аҳмад чапани, йўлтўсар, бутун умри муштумзўрлик билан ўтган. Аммо у Йўлчининг мардлигига тан беради

ва Гулнорни топнишга ёрдамлашади. Ёзувчи бу ўринда Мирзакаримбой Қора Аҳмаддан ҳам разилроқ шахс эканини тасвирлайди. Ёки ўқитувчи ўқувчиларга шундай савол билан мурожаат қилиши мумкин: Солиҳбой Жамилага уйланиш учун қанчадан-қанча пул сарф қилади. Аввал осонгина ўз мақсадига эришишга ишонган бой кейинчалик юқори табақа вакиллари олдида ўз обрўидан айрилмаслик учун ҳам шунга мажбур бўлади. Ғофирни уйлантириш учун сарфланган тўй харажати-дан воз кечади, уламоларга пора, Ғофирга «еб кетарга» пул беради. Айтинг-чи, шундай харажатларни Мирзакаримбой кўтара олармиди? Ўқувчиларнинг фикрлари билан танишган ўқитувчи ўз мулоҳазаларини баён этади. Гап шундаки, Мирзакаримбой харажати Солиҳбойчалик кўтармас эди. Чунки, Ҳамзанинг ифодалашича, Солиҳбойнинг авлод-аждоди бой ўтган. Унинг хулқ-атворида бошқалардан юқори туриш, ўз номига иқтисодий жиҳатдан доғ туширмаслик хусусияти бор. Ойбекнинг тасвирида эса Мирзакаримбой — ўз қариндош-уруглари орасидан чиққан биринчи бой. Йўлчининг тоғаси — бой, Йўлчи эса камбағал.

Мирзакаримбой, романда тасвирланишича, ёшлигида баққоллик қилган. Уни «Қарим читтак» деб аташар эди. Шунинг учун Мирзакаримбой ҳар бир харажатдан тезда фойда кўриш режасини тузади. Унинг учун кетаётган обрўдан иқтисод қилганига ўн сўм пул афзалроқ. Демак, Мирзакаримбой Солиҳбойдан энг муҳим хусусиятлари билан фарқ қилади.

Бундай хулосага ўқувчиларнинг мунозаралари орқали эришилса, жуда яхши бўлади. Тўғри, мунозарада Мирзакаримбойнинг «Қарим читтак» деб аталишини ўқувчилар эсламасликлари мумкин. Аммо бу муҳим фактнинг ўқитувчи томонидан эслатилиши ҳам бадий асарни эътибор бериб ўқини лозимлигини тушунтиришда аҳамиятлидир.

Шунингдек, Йўлчи образи ҳақида фикр юритилганда, Йўлчининг бойлар синфига нисбатан кескин нафрати ҳақида тўхтаймиз. Йўлчидаги бу хусусият тамомила янгидан пайдо бўлгандек туюлади. Ваҳоланки, романнинг дастлабки саҳифаларидаёқ Йўлчида кейинчалик пайдо бўладиган хусусиятларнинг негизи баён этилганди. Ўқитувчи ана шу асос романинг қайси қисмида ифодаланганини сўрайди ва романдан ана шу саҳифани топниш вазифасини беради. Табиийки, ўқувчилар ро-

манни ўқиш пайтида бадий асардаги бу нозик белгига эътибор бермайдилар. Ойбек романда шундай ўзади: «Мана ҳозир унинг (Мирзакаримбойнинг — О. М.) қаршисида муштипар жиянининг ўғли (Йўлчи — О. М.), у билан турли нарсалар ҳақида узоқ суҳбатлашди, лекин йигирма уч ёшли йигитнинг ақлида сира нуқсон кўрмади. Унинг арслондай кўркем гавдаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик, ҳушёр кўзлари, кир яктаги ичидан қавариб турган кенг кўкраги, бақувват қўллари, сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилиқ (бу хусусиятни камбағал одамларда катта фазилат деб тошар эди бой) унга жуда ёқди. «Обдон чиниққан йигит; унга берилган овқат беҳуда кетмайди», деб ўйлади у. Лекин шу билан баравар, Мирзакаримбой Йўлчининг бутун сиймосида катта жасорат ва ғурур сизди. Бу сифат унга жилла маъқул тушмасди»¹. Ҳамма гап «жилла маъқул» тушмаган сифатда эди. Йўлчи романининг кейинги саҳифаларида «сиймосидаги катта жасорат ва ғурур» эвазига ўзгариб боради. Роман охирида меҳнаткашларнинг миллий озодлиги учун курашга йўлбошчилик қилиши заминида ҳам ана шу «жасорат ва ғурур» ётади. Бадий асардаги бундай деталларга эътибор бериш иншо ёзишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бадий адабиётдаги Павел Власов, Пелагея Ниловна, Гофир, Жамила, Йўлчи, Гулнор, Саида, Қаландаров каби бир қатор образлар ҳақида иншо ёзишда ўқувчилар асарнинг мазмунини баён қилишга киришиб кетадилар. Дарсликдан четга чиқолмайдилар. Юқоридаги сингарн эпизодларга мурожаат қилиш эса ўқувчи фикрини бойитади, ёзма иш савиясини кўтаради.

Ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатишда адабий-назарий тушунчаларнинг пухта эгалланишига ҳам эътибор берилади. Ўқув программасига кўра ўрта махсус билим юртларида адабиёт дarsi бевосита адабий-назарий тушунчаларни ўрганишдан бошланади. Бадий адабиётнинг сўз санъати эканлиги, В. И. Лениннинг адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги методологик аҳамиятга эга бўлган фикрлари ҳақидаги маълумот берилади. Бу машғулотлар бадий адабиётга қизиқиш, унга ҳурмат билан қараш туйғусини ҳосил қилишга имкон беради.

Санъат ҳаётнинг бадий инъикоси сифатида инсон-

¹ Ойбек. Қутлуғ қон. Тўрт томлик асарлар тўплами, II том, УзССР Давлат Бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1957, 15-бет.

нинг руҳий оламига таъсир қилади, уни тарбиялайди. Сўзнинг инсонга кўрсатадиган сирли таъсирини англамай туриб ўқувчи бадий адабиётнинг мўъжизалардан бири эканини англаб етмайди. Адабиётдан ўтказиладиган танишув суҳбатимизда халқ оғзаки ижодида Алишер Навоий ҳақида яратилган ҳикоятлардан бирига мушоаат қиламиз. Бу ҳикоят Ҳусайн Бойқаронинг туш кўрганлиги ҳақида бўлиб, тушида у баланд тепаликда якка ўзи турган эмиш. Атрофида эса қарға-қузғунлар учиб юрганмиш. Подшоҳ таъбирчи мунажжимларга кўрган тушини шарҳлашни буюради. Мунажжимлар бир қошиқ қонларидан кечишини илтимос қилиб шундай дейдилар: «Шоҳим, ҳамма қариндош-уруғларингиз ўлиб кетишар экан. Сиз сўққабош бўлиб қолар экансиз». Бундай шарҳни эшитган Ҳусайн Бойқаро бир қошиқ қондан кечганлигини ҳам унутиб, жаҳолат билан жаллодни чақиради. Шу пайт суҳбат мазмунидан хабардор бўлган Алишер Навоий мунажжимларнинг айбларини кечишни подшоҳдан ўтинади. «Шоҳим, — дейди у, — сиз жуда яхши туш кўрибсиз. Чунки тушингизда ҳамма қариндошлардан кўпроқ умр кўришингиз аён бўлибди». Ҳусайн Бойқарога тушининг бундай шарҳи маъқул бўлибди, кайфияти кўтарилиб, мунажжимларни кечирибди. Аслини олганда, ҳар иккала шарҳ ҳам бир маънони англатади. Аммо биринчи шарҳда фикр ўта қўпол тарзда бефаҳмларча ифодаланган. Иккинчи шарҳда эса шоир мунажжимлар фикрини бузмаган ҳолда, уни инсон руҳини кўтарувчи сўзлар билан баён этган.

Халқ эртак ва афсоналарида бундай мазмундаги асарларни кўплаб учратиш мумкин. Ўқитувчи ўз суҳбатда бадий адабиётнинг сеҳри сўз орқали ифодаланишини, бинобарин, ҳар бир сўзни оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам яхши ўйлаб қўллаш лозимлигини тушунтиради. Ўқитувчи бу суҳбатда адиблар ҳаётни алоҳида ҳиссиёт билан идрок этишларини ҳам қайд этади. Шоир ва ёзувчилар ҳаммининг дилида бор, аммо ҳали айта олмаган гапларни силлиқ, бадий тарзда ифодалай олиш иқтидорига эгадирлар. Жумладан, Ғофир билан Солиҳбой ўртасида юз берган воқеа инқилобгача ҳаётда жуда кўп марта учраган. Аммо фақат Ҳамза ўзининг «Бой ила хизматчи» драмасида уни ҳар томонлама мукамал тарзда томошабинга сўз санъати воситасида кўрсата билган.

Ўқувчилар сўз санъатининг намояндалари ва улар-

нинг асарлари ҳақида иншо ёзиш ҳам, фикр билдириш ҳам жуда масъулиятли эканлигини англаб етишлари лозим. Бу ўринда В. И Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласига мурожаат қилиш ҳам мумкин. Доҳий ўзининг бу мақоласида бадний адабиётнинг ижтимоий онг формаларидан бири сифатидаги ижтимоий аҳамиятини баён қилган эди. Уқитувчи бадний адабиёт ҳақида айтилган ёки ёзилган ҳар бир фикр ҳам партиявий характерга эга эканини ўқувчилар онгига етказди. Уқувчи ёзаётган иншосида Йўлчи, Ғофир, Гулнор, Жамилаларнинг меҳнатқаш, жафокашлиги, инсонпарварлигини баён қилади. Ана шу фикрларнинг ўзи унинг таҳлил қилинаётган асарга партиявийлик, синфийлик ва халқчиллик позициясидан ёндашганлигини тасдиқлайди.

В. И. Ленин юқоридаги мақоласида адабиётнинг, ижодкорнинг эркинлиги ҳақида ҳам муҳим фикр билдиради. Хусусан, у буржуа актрисасининг эркинлиги унинг хўжайинига қарамликдан бошқа нарса эмаслигини уқтириб, фақат халққа хизмат қилган санъатгина эркин бўлишини таъкидлайди. Чунки фақат халққа хизмат қилган санъатгина ҳақиқатни, реал ҳаётни акс эттириши мумкин. Бизнинг жамиятимизда санъатнинг ажралмас қисмини ташкил қилувчи бадний адабиёт эркин ижоднинг маҳсулидир. Бинобарин, ўқувчи ўз иншосида совет ёзувчиларининг муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири уларнинг эркин ижод қилиш имкониятига эга эканлигини ҳам ифодалашни мумкин.

Тўғри, социалистик жамиятимиз тарихида эркин ижод этган санъаткорлар айбсиз жазоланган даврлар ҳам бўлган.

30-, 50- йилларда совет маданияти ўзининг жуда кўп истеъдодли вакилларида ажраган эди. Аммо бу ёқимсиз ҳолат социалистик жамиятнинг ички қонуниятига зиддир. Ҳақиқат аста-секин юзага чиқмоқда. Аввал репрессия қилинган ижодкорлар номларининг тикланиши фикримизнинг далилидир.

В. И. Ленин 1913 йилда ёзган «Миллий масала ҳақида танқидий мулоҳазалар» асарида ҳар бир миллатда икки миллий маданиятнинг мавжудлигини алоҳида қайд қилади. Эксплуатация қилувчи синф маданияти ва эзилувчи синф маданияти. Маданиятнинг синфий характери ҳақида маълумот бериш ўқувчи иншосини гоёвий жиҳатдан мукаммаллаштиради.

Ўқувчиларни иншо ёзишга тайёрлашда бадий адабиётнинг проза, поэзия, драматургия, лирика, роман, повесть, шеър каби жинс ва турларга, жанрларга бўлиниши ҳақидаги маълумотни мустақкамлаш зарур. Чунки программа бўйича ўрганиладиган адабий асарларнинг жанрларини билмай туриб, иншода аниқ фикр юритиш мушкул. Фикримизча, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмаси билан Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги воқеаларни, образларни чалкаштириб юбориш, Ҳ. Олимжон лирикаси ҳақида иншо ёзганда, «Зайнаб ва Омон» поэмасини таҳлил қилиш каби камчилликлар бадий адабиётнинг жанр хусусиятларини яхши билмасликдан келиб чиқади.

Шунингдек, сюжет, композиция, бадий приёмларга тааллуқли назарий маълумотларни билмаслик ҳам бир қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Хуллас, ўқувчи санъат, бадий адабиёт назариясига оид тушунчаларга эга бўлмай туриб, талабга жавоб берадиган даражада иншо ёзиши мумкин эмаслигини унутмаслигимиз зарур.

Ўқувчиларда иншо ёзиш малакасини ҳосил қилишда ўқитувчи адабиётшунослик фани янгиликлари ҳақида ҳам тушунча бериб бориши лозим. Маълумки, республикамиз матбуотида доимий равишда бадий адабиёт муаммолари ҳақида мақолалар эълон қилинмоқда. «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи», «Тошкент ҳақиқати» каби газеталарда; «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ёш куч» каби журналларда ёритилаётган сўз санъатининг долзарб масалалари ҳақидаги илмий кузатишлар фикримизнинг далилидир. Улардаги айрим фикрлар мақолаларни ўрганилаётган темага боғлаб ўқиш тавсия этилади. Тажриба шуни кўрсатадики, айрим ўқувчилар газета ва журналларда эълон қилинган асарларни ўқийдилар, аммо жавобларда улардан фойдаланмайдилар. Кўпинча иншода улардан фойдаланиш яхши натижа беришини, ишнинг савиясини оширишини тасаввур қилмайдилар. Адабиётшунослик янгиликларидан унумли фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ҳам кучайтиради. Баъзан ихчам, аммо муҳим фикр баён қилинган мақолаларни ўрганилаётган темага боғлаган ҳолда муҳокама қилиш ҳам мумкин. Ёзувчи маҳоратига оид мулоҳазалар эса ўрганилаётган адиб-

нинг ижоди билан боғланган ҳолда, конкрет мисолларга мурожаат этиб шарҳланади.

Албатта, ўқувчиларни иншога тайёрлашда энг муҳим манба ҳисобланган дарсликни унутмаслик керак. Дарсликда иншога ёзилиши лозим бўлган фикрларнинг асоси баён этилади. Тўғри, кейинги вақтларда мактаб дарсликларини ҳақида бир қатор танқидий фикрлар айтилди. Аммо биз бу дарсликлар яратилган давр билан ҳозирги кун талаблари ўртасида катта фарқ бўлиши табиийлигини унутмаслигимиз лозим. Уларни қайта тузиш, янгилаш кун тартибидаги энг долзарб масаладир.

АДАБИЙ ТЕМАДАГИ ИНШО

Ўқувчилар томонидан ёзиладиган адабий темалардаги иншоларни шартли равишда қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид иншо.
2. Ёзувчининг маълум давр ҳаёти ва ижодига оид иншо.
3. Ёзувчи ижодида акс эттирилган маълум темага оид иншо.
4. Ёзувчи томонидан маълум жанрда яратилган асарларнинг умумий таҳлилига оид иншо.
5. Маълум бир асарнинг гоёвий-бадий таҳлилига оид иншо.
6. Бадний асарда акс этган маълум бир масаланинг таҳлилига оид иншо.
7. Бадний асардаги якка, гуруҳий, қиёсий образлар характеристикасига оид иншо.

Маълумки, ўқитувчининг дарс машғулотларидаги лекцияси обзор ва монографик характери билан бир-бирдан фарқ қилади. Ўқувчилар ёзадиган иншолар ҳам теманинг хусусиятига кўра монографик ва обзор тарзида бўлади. Ёзувчи ҳаёти ва ижоди, адиб ижодидаги маълум бир жанрга оид иншолар кўпроқ обзор маълумот беришни талаб этади. Бундай иншоларда саналар, асарлар, фикр юритиладиган масалалар сон жиҳатдан кўп бўлади. Улар ҳақида кенгроқ тўхташ учун иншо ҳажми йўл қўймайди. Ўқувчилар умумий маълумотларни ёзиш билан чегараланади. Маълум бир бадий асарнинг таҳлили, айниқса, бирор лирик шеърнинг гоёвий-бадий таҳлили, бирор образга характеристика бериш эса монографик характерда бўлади. Бундай иншолар кам масалаю чуқур таҳлилни талаб этади.

Программа бўйича ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид темада ёзиладиган иншолар сон жиҳатдан кўп бўлмайди. Зотан, ёзувчи ҳаёти ва ижодига бағишланган ёзма ишлар қийин ҳам эмас. Иккинчидан, мазкур темаларни ёритишда ўқувчининг мустақил фикрлаш қобилияти яхши намоён бўлмайди. Чунки адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мустақил фикр билдириш даражасида иш ёзиш махсус билимга эга бўлишни ва тайёргарлик кўришни талаб қилади. Шунинг назарда тутиб, ўқув йили давомида ўқувчига бир ёки икки адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида иншо ёзишни тавсия этиш мумкин.

Ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги иншоларда тахминан қуйидаги масалаларни ёритиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ёзувчининг адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси.
2. Ёзувчининг туғилган жойи ва йили, оиласи ва ёшлик йиллари.
3. Ёзувчи ижодининг бошланиши, асарларининг жанри, тематикаси.
4. Ёзувчи ижодига оид энг муҳим асарлар.
5. Ёзувчининг бадиий маҳорати, ижодининг ўзига хослиги.
6. Ёзувчининг адабиёт тарихида тутган ўрни.

Ўқитувчи ҳар бир адибнинг ҳаёти ва ижодига оид лекциясида қайд этилган ҳар бир моддани изчил равишда ёритиб борса, ўқувчилар ҳам жавобларида мазкур тартибга риоя этсалар, иншо ёзиш ҳам осонлашади. Афсуски, кўпинча ўқувчилар ўз жавобларини ёзувчи туғилган йил ва кун ҳақида маълумот беришдан бошлайдилар. Ёзма ишларда ҳам айнан шу ҳолат такрорланади. Бу тўғри эмас. Ёзма ишнинг кириш қисмида ҳаёти ҳақида ёзилаётган адибнинг сўз санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси, ижодининг ўрганилиш сабаблари, тарихи ҳақида маълумот бериш керак. Ёзувчи ижодини ўрганишнинг методологик принципи кўрсатиб берилмаган иншо замиридан ажраган ва муаллақ турган жисмга ўхшаб қолади. Ўқитувчининг лекцияси, дарсликдаги маълумотлар ўқувчилар ёзадиган иншонинг асосини ташкил этади. Шунингдек, кейинги йилларда «Ажойиб кишилар ҳаётидан», «Замондошлар хотираси» циклида нашр қилинаётган китобларга ҳам ўқувчилар эътиборини жалб қилиш мумкин.

Ёзувчининг маълум давр ҳаёти ва ижоди ҳақида иншо ёзиш бир оз мураккаб ҳисобланади. Ўқувчи, аввало,

тавсия этилган даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон каби шоирларнинг 30-йиллардаги ижоди, Улуғ Ватан уруши йиллари давридаги ижоди мавзудида иншо ёзиш учун мазкур даврлар ҳақидаги тарихий маълумотларга эга бўлиш талаб этилади. Бинобарин, ўқитувчи ўқувчиларга СССР тарихи фанидан олган маълумотларни эшлаш лозимлигини ҳам айтади. Хусусан, номлари қайд қилинган шоирларнинг 30-йиллардаги ижоди ҳақида ёзма иш ёзганда, мамлакатни индустриллаштириш соҳасидаги ютуқлар, ДнепроГЭС, Турксиб йўллари, Комсомольск шаҳри, стахановчилар ҳаракати, пахта мустақиллиги учун кураш, коммунистик дунёқарашнинг ҳаётдаги дастлабки ғалабалари ҳақида ҳам ёзилади.

Иккинчидан, мазкур даврда адиб томонидан яратилган асарларнинг жанри, номларини билиш керак. Масалан, Ғ. Ғуломнинг 30-йиллардаги ижоди ҳақида иншо ёзганда, у, асосан, бадиий адабиётнинг икки турида ижод қилганлиги айтилади. Адибнинг проза ва поэзия соҳасидаги ютуқларини таъминлаган асарлар эсга олинади. Кейинчалик эса жанрлар ҳақида тўхтаб ўтилади: «Негай», «Ёдгор», «Шум бола» повестлари, «Тирилган мурда», «Чорбозорчи» ҳикоялари, «Кўкан», «Икки васиқа», «Тўй» поэмалари, «Яловбардорликка», «Турксиб йўлларида», «Вақт» шеърлари қайд этилади.

Энди бу асарларнинг тематик доирасини белгилаш лозим. Коллективлаштириш даврининг хусусиятлари, зарбдор меҳнат, халқлар дўстлиги, социалистик тузум афзалликлари, турмушдаги иллатларни фош этиш, ўтмиш ва янги ҳаётни таққослаш каби темаларнинг адиб ижодида акс этиши ҳақида фикр юритиш режаси тузлади.

Шундан кейин адабиётнинг ўз асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссасига баҳо берилади. Ўзбек адабиётининг ўша даврдаги аҳволи изоҳланади. Бошқа шоир ва ёзувчиларнинг ижоди ҳақида фикр юритилиб, Ғ. Ғуломнинг сўз санъаткори сифатида қаламкашлар ўртасидаги ўрни белгиланади.

Тажриба ўқувчиларнинг темани бир ёқлама ёритишларини, асосий эътиборни у ёки бу асарга қаратиб қўя қолишларини кўрсатмоқда. Бу камчиликни ёзма ишга тайёргарлик кўриш давомида тузатиб бориш керак. Масалан, кўп ўқувчилар иншонинг план моддаларида асар

номини қайд этиш билан чекланадилар. Иншо ёзишда эса дарс машғулотида монографик тема сифатида ўрганилган асар ҳақидагина фикр юритадилар. Хусусан, агар Ғафур Ғуломнинг 30-йиллардаги ижоди ҳақида ёзиш талаб қилинса, ўқувчи фақат «Турксиб йўлларида», Улуғ Ватан уруши йилларидаги ижоди ҳақида ёзиш сўралса, фақат «Сен етим эмассан» шеърини таҳлил қиладилар.

«Ғафур Ғуломнинг 30-йиллардаги ижоди» темасида ёзиладиган иншо плани тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

1. 30-йиллар ўзбек совет адабиёти ҳақида қисқача маълумот.
2. Ғафур Ғулом — ўзбек совет адабиётининг таниқли вакили.
3. Ёзувчининг 30-йилларда яратган прозаик асарлари ва уларнинг тематикаси:
 - а) «Шум бола» повестида ўзбек халқининг инқилобдан аввалги оғир ҳаёти ва халқимиз табиатидаги қулгига мойилликнинг тасвири;
 - б) ёзувчи прозасида ҳаётга янгича муносабатда бўлишнинг акс эттирилиши («Ёдгор» повести», «Тирилган мурда» ҳикояси асосида).
4. Ғ. Ғуломнинг 30-йилларда яратган лирик ва лиро-эпик асарлари:
 - а) шоир поэзиясида халқлар дўстлиги, фидокорона меҳнат темасининг акс этиши («Турксиб» йўлларида» шеъри асосида);
 - б) «Кўкан» поэмаси — 30-йиллар ўзбек поэмачилигининг ажойиб намунаси.
5. Ғафур Ғулом асарларини севиб ўқийман.

Мазкур темада ёзиладиган иншога қуйидаги текстдан материал олиш мумкин:

«30-йиллар совет халқи ҳаётида катта меҳнат ғалабалари қўлга киритилган давр ҳисобланади. Бу даврда партия ва ҳукуратимиз қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга, мамлакатни индустриллаштириш соҳасига алоҳида эътибор берди. Турксиб темир йўли, Комсомольск шаҳри, ДнепроГЭС каби йирик қурилишлар барпо этилди. Стахановчилар ҳаракати авж олди. Республикамиз халқ хўжалигида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Социалистик тузум шароити кишилар онгида ҳам янгича дунёқараш асосларини вужудга келтирди.

Бу даврда ҳаётнинг бадий инъикоси сифатида сўз

санъати ҳам ривожланди. Ўзбек совет адабиётида А. Қодирий, Ғ. Ғулом, С. Айнӣ, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор каби истеъдодли адиблар ижод этдилар. «Сароб», «Қуллар», «Обид кетмон», «Қутлуг қон», «Қўкан», «Бахтлар водийси», «Зайнаб ва Омон» сингари ажойиб асарлар яратилди. Ёзувчи ва шоирларимиз ўз асарларида совет ҳокимиятининг меҳнаткаш халқ ҳаётини яхшилаш соҳасидаги тadbирларини, халқимизнинг ижодий меҳнатини акс эттирдилар.

Ғ. Ғуломнинг ижоди янги босқичга кўтарилди. У «Турксиб йўлларида», «Вақт», «Нон», «Нефть» каби шеърларини, «Тўй», «Икки васиқа», «Қўкан» поэмаларини, «Элатиядаги бир ов», «Чорбозорчи» ҳикояларини ва «Нетай», «Ёдгор», «Шум бола», «Тирилган мурда» повестларини яратиб, ўзбек совет адабиётининг таниқли вакиллари қаторидан ўрин олди.

30- йилларда меҳнаткашлар орасида ҳали ҳам совет воқелигининг ижобий томонларини тушунмаган ёки тушунишни истамаган одамлар бор эди. Ёзувчимиз бошқа адиблар билан бир сафда ана шундай шахсларнинг онгидаги феодализм иллатларини йўқотишга, халқимизни янги шароит анъаналари асосида тарбиялашга ёрдам берувчи асарлар яратди.

Ғ. Ғулом бу даврда бадиий адабиётнинг икки тури (проза ва лирика)да ижод қилди.

Адибнинг ҳикоя ва повестларида ўзбек халқининг ўтмиш ҳаёти, турмушда рўй бераётган янги ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Хусусан, «Шум бола» повестида турмуш ташвишларидан узоқ Шум боланинг саргузашти ҳикоя қилинади. Асарда содда ёш бола бошидан кечирган ўта кулгили воқеалар баён этилган. Зотли қушларга қатиқ ичириш, мурдани ювиш, касал ҳўкиз қолиб, эшакни сўйиш, ҳайдаб келинаётган қўйларни тарқатиб юбориш, пинҳона пиширилган ошни еб, устига пул олиш каби эпизодлар ўқувчининг ёдида муҳрланиб қолади. Аммо ёзувчининг асл мақсади бу кулгили эпизодлар орқали турмушнинг фожиасини ўзига хос услубда ифодалаш эди. Бола тарбияси, асар қаҳрамони муносабатда бўлган оддий кишиларнинг машаққатли ҳаёти, бойларнинг зулми, руҳонийларнинг риёкорлиги фош этилади. Асар қаҳрамони худди Афандини эслатади. У инқилобгача бўлган даврдаги ёш болаларнинг хусусиятларини ўзида умумлаштиради.

Ёзувчи прозаик асарларида янги ижтимоий тузум

шароитида кишилар ҳаётга янгича муносабатда бўлиши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор билан қаради. «Тирилган мурда» қиссасининг бош қаҳрамони Мамажон тақдири орқали ўқувчи янги инсоннинг дунёга келиш жараёни билан таништиради. Мамажон ялқов аста-секин ўзгара боради. Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган колхоз аъзолари таъсирида ундаги ялқовлик, танбаллик хусусиятлари йўқола боради.

Янгича ахлоқ нормаларининг кишилар онгига таъсири «Ёдгор» повестида ҳам ўз ифодасини топган. Ўқувчи бу асарда янги инсоннинг янгича маънавий қиёфаси билан танишади. Ёдгор эса бу муносабатларнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди. Адиб ҳар бир шахсда, аввало, пок маънавий қиёфа бўлиши лозимлиги ҳақидаги фалсафий фикрни ўз қиссасининг марказий масалаларидан бири сифатида талқин этади.

Ғ. Ғуллом ўзбек китобхонига истеъдодли шоир сифатида таниш эди. Унинг 30- йилларда яратган лирик ва лиро-эпик асарлари фикримизнинг далилидир. Бу даврнинг кўтаринки руҳи шоирнинг поэтик асарларида алоҳида шукуҳ билан ифодаланади. Совет халқининг қардошларча дўстлиги, унинг машаққатли меҳнат натижасида ватанимизда рўй бераётган ўзгаришлар «Яловбардорликка», «Турксиб йўлларида» каби сиёсий лирика намуналарида яхши кўрсатилган. Турксиб йўллари қурилган чўлдан ўтган карвонлар асрлар давомида биронта из қолдирмади. Дунёни титратган шоҳларнинг ўтиши ҳам ҳеч қандай ўзгариш бермади. Бу карвонлар гўё кўлга тушган тош каби изсиз йўқолиб кетди:

Қўлга отилган
Бир кесак парчаси сингари
Уфқлар бир карра
Липиллаб қолар,
Янада бир соқитлик чўқар, чизароқ доира.

Шоир бундай қиёслаш орқали Совет ҳукумати халқнинг манфаатини кўзлаган ҳолда иш тутаётганини, шоҳларнинг қўлидан келмаган ишларга оддий халқ қодир эканлигини кўрсатишга муваффақ бўлди.

Ғ. Ғулломнинг 30- йиллардаги ижоди ҳақида фикр юритганда, унинг «Кўкан» поэмасини тилга олмаслик мумкин эмас. «Кўкан» поэмасида Ўзбекистонда колхознинг вужудга келиш жараёни акс этади. Отасининг васиятига амал қилган Кўкан хонавайрон бўлади. Якка-

хўжалик фалсафаси у ва унга ўхшаган деҳқонларнинг фожиясига айланган эди. Ғ. Ғулом поэмада 30- йиллардаги тарихий шароитнинг бир қатор хусусиятларини тасвирлашга муваффақ бўлган. Бу даврда синфий душманларнинг халқ онгини заҳарлаш йўлидаги фаолияти, колхоз ҳақидаги турли миш-мишларнинг тарқалиши, коллектив хўжаликка аъзо бўлишнинг ихтиёрий эканлиги, колхознинг яккахўжаликдан афзал томонлари ҳаётий равишда тасвирланади. Поэмада Қўканнинг иккиланиб, келажакда уни кутаётган ҳодисалардан чўчиб колхозга кириш эпизодига эътибор қилайлик:

Шундай, аранг-иккиланиб: — Ёзинг, — деди,
«Васият»ни ўйлаб жиндак пушмон еди.

Аmmo бу иккиланиш узоқ давом этмайди, «васият» ҳақида ўйлаш учун Қўканнинг вақти ҳам бўлмайди. Ўқувчи энди колхоз ҳаётида фаол иштирок этаётган ҳақиқий деҳқонни кўради.

Хуллас, Ғ. Ғуломнинг 30- йиллардаги ижоди ўзбек совет адабиёти тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ғ. Ғулом табиатан файласуф шоир эди. Шунинг учун у кичик ҳаётий деталдан катта умумлашмалар қилиш иқтидорига эга бўлди. У ўз асарларини яратишда халқ оғзаки ижодидаги ғоя ва тасвир усулларидан унумли фойдаланди. Ғ. Ғулом бежиз Ленин мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлмади. Адабиёт мухлислари уни ўзбек халқининг ҳақиқий шоири сифатида қурмат қиладилар».

Албатта, тавсия сифатида келтирилган иншонинг мазмунига маълум ўзгаришлар киритиш, айрим асарлар таҳлилини бошқачароқ ёзиш мумкин. Лекин иншони ўқиганда, ўқувчининг Ғ. Ғуломнинг 30- йиллардаги ижоди ҳақидаги тасавури сезилиб туриши керак. Шунингдек, ёзувчи ёки шоирнинг таҳлил этилаётган даврдаги ижодининг ижтимоий шароит билан боғланишига ҳам эътибор берилади.

Ёзувчи ижодида акс эттирилган маълум темага оид иншоларни ёзадиган ўқувчи қандай масалаларга эътибор бериш лозимлигини билмай қийналади. Масалан, «Ҳамза — революция куйчиси» темасидаги иншони олайлик. Агар иншода Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий маълумот бериш талаб қилинганда эди, «Ҳамза — революция куйчиси» бир модда сифатида планда кўрсатилиши мумкин бўларди. Шоирнинг рево-

люцияга оид асарларини таҳлил қилишга бағишланган махсус иншода эса бу мавзу кичикроқ темаларга бўлиниши керак. Хўш, конкрет равишда қандай темачаларни план моддаси сифатида киритиш мақсадга мувофиқ? Аксари ўқувчилар айнан ана шу ўринда қийналадилар. Натижада қуйидаги тарзда план тузадилар:

I. Кириш:

1. Ҳамза революцион шеърларининг яратилиши.

II. Асосий қисм:

1. «Яша, Шўро!»
2. «Берма эркингни қўлдан».
3. «Ишчилар, уйғон!»

III. Хулоса:

Ҳамза революцион шеърларининг аҳамияти.

Бундай план мақсадга мувофиқ эмас, албатта. Ўқитувчи ўқувчиларга мазкур темани ёритишда эътибор берилиши лозим бўлган масалаларни дарс машғулотидавомида айтиб бериши, ўқувчи олдига аниқ вазифа қўйишга ҳаракат қилиши керак. Бунда қуйидагиларга эътибор беради:

1. Ҳамза Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида халқ манфаатини кўзловчи асарлар яратди. У чор самодержавиесининг миллий сиёсатига қарши чиқди. Мардикорликка олиш кампаниясини қораловчи «Салом айтинг!», «Соғиниш» каби шеърый асарларини яратди. 1917 йил февраль революцияси халққа кутилган эркинликни бермагандан сўнг «Шундоқ қолурму?!» шеърини ёзди. Демак, Ҳамза Октябрь инқилобига ижобий муносабатда бўлган, уни қувонч билан кутиб олган шоир эди.

2. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг инқилобий шеърларида Совет давлатини мадҳ этди. Совет ҳукуматининг халққа берган эркинлигини «Ишчилар, уйғон!», «Ишчи бобо», «Замон ичра» каби шеърларида ифодалади. Эндиликда ҳар бир меҳнаткаш ўқиш, ишлаш ҳуқуқига эга эканини халққа етказишга уринди.

3. В. И. Ленин революция ўзини ҳимоя қила олиш қурбига эга бўлиши лозимлигини алоҳида уқтирган эди. Асрлар давомида меҳнаткаш халқ меҳнати эвазига бойлик орттирган эксплуататор синф вакиллари ўз имко-

ниятларидан ажралишга осонгина кўниб қолмасдилар. Улар тиш-тирноқлари билан Совет давлатига қарши курашни авж олдиришлари табиий эди. Шунинг учун Ҳамза ўзининг революцион шеърларида революция ғалабаси осон қўлга киритилмаганини қайд этиб, бу ғалабани ҳимоя қилишга чақиради. У халққа, қизил аскарларга мурожаат қилиб, кураш давом этаётганини, бу курашда шафқатсиз бўлиш лозимлигини уқтиради. «Қизил аскарларга», «Яша, Шўро!», «Биз ишчимиз», «Ҳой, ҳой, отамиз!» шеърларида ана шу масала етакчи ўрин эгаллайди.

4. Маълумки, революция даврида синфий душманларнинг таъсирида қолган халқ вакиллари ҳам йўқ эмасди. Бойлар феодал жамияти ахлоқ нормалари таъсирида тарбияланган одамларни турли йўллар билан алдаб, ўз тарафларига оғдириб олиш чораларини излайдилар. Бундай ҳолга вақтида зарба бермаслик пролетариат диктатурасининг келажагини хавф остида қолдирар эди. Ҳамза вазиятни чуқур англайди. У оддий меҳнаткашларга қора ўтмиш фожиаларини бирма-бир эслатиб ўтади. «Оғир юкдан яғир бўлган ...елкалар», «бир царча куйган қора нон учун» ёшлиги хазон бўлганлар ҳақида ёзди, мусибатли ҳаёт лавҳаларини чизиб берди. Бу жиҳатдан «Ишчилар, уйғон!», «Биз ишчимиз» каби шеърлари характерлидир.

5. Ҳамза ўзбек классик адабиётининг кенжа, ўзбек совет адабиётининг тўнғич вакили ҳисобланади. Шоир революция йилларида мазмунан янгича характерга эга бўлган асарлар яратди. Айни пайтда, у ўз асарларининг янгича шакли устида ҳам ўйлади. Инқилоб арафасида шоир айрим шеърларини бармоқ, айримларини эса аруз вазнида ёзган эди. Кейин у шеърый асарларининг кўпчилигини бармоқ вазнида битишга ҳаракат қилди. Бу эса шоир шеърлари тилининг халқнинг жонли тилига яқинлигини таъминлади. Ҳамза томонидан бармоқ вазнида шеърый асарлар ёзилиши унинг ижодий кашфиётларидан бири сифатида баҳоланмоғи мумкин.

6. Инқилобий темада ёзилган шеърый асарларнинг характери шакл ва мазмун жиҳатдан янгича эканлигини айтдик. Уларда совет воқелигининг қарор топиши куйланди. Халқнинг янги ҳокимият даврида эркин нафас олиши мадҳ этилди. Ҳамзадан кейин ижод эта бош-

лаган шоирлар унинг анъанасини давом эттирдилар. Натижада ўзбек адабиётида сифат ўзгариши жараёни вужудга келди ва ўзбек совет адабиётига асос солинди. Демак, Ҳамзани ўзбек совет поэзиясининг асосчиси дейишимиз мумкин экан.

Маълум бўладики, группа ўқитувчиси «Ҳамза — революция куйчиси» мавзунда ёзиладиган иншода қандай масалалар юзасидан фикр юритиш лозимлиги ҳақида ўз ўқувчиларига тушунча беради. Ҳар бир масаланинг сарлавҳаси аниқлаб олинса, ёзиладиган иншонинг тахминий плани юзага келади:

1. Ҳамзанинг Улуғ Октябрь социалистик революциясига муносабати.

2. Совет давлатининг халққа берган эркинлиги тасвири Ҳамза революцион шеърларининг мавзуларидандир.

3. Ҳамза шеърларида революция ғалабасини ҳимоя қилишга чақириб.

4. Инқилобий шеърларда феодал жамиятдаги фожияли ҳаёт тасвири.

5. Ҳамзанинг революцион шеърларида шакл ва мазмун мутаносиблиги.

6. Ҳамза — ўзбек совет поэзиясининг асосчиси.

«Ҳамид Олимжон — шодлик ва бахт куйчиси», «Ғ. Ғулом — тинчлик куйчиси», «Ғафур Ғулом шеъриятида халқлар дўстлигининг акс эттирилиши», «Уйғун — табиат шайдоси» каби темаларни ёзишда ҳам ана шундай методдан фойдаланиш маъқул.

Ёзувчи ижодидаги маълум жанрда яратилган асарларнинг умумий таҳлилига оид иншолар бир оз мураккаблиги билан бошқа темалардан ажралиб туради. «Ҳамза — драматург», «А. Қодирий — тарихий романлар устаси», «Ойбек — йирик прозаик», «Ҳамид Олимжон — лирик шоир», «А. Қаҳҳор — ҳикоянавис» каби темалар шулар жумласидандир. Бундай темаларда ёзиладиган иншолар кўпроқ обзор маълумотлар берилишини тақозо этади. Уларда адибнинг ҳаёти давомида яратган маълум бир жанрга оид бир неча асари ҳақида фикр юритилади. Фикр ҳаддан ташқари тарқоқ бўлмаслиги, иншонинг изчиллигига зарар етказмаслиги учун у асарларни тематик жиҳатдан тасниф қилиб олишни тавсия этамиз. Ўқувчининг мулоҳазалари «темадан темага» услубида баён этилгани мақсадга мувофиқроқ. Бундай темаларда ёзиладиган иншоларнинг

тахминий планлари билан танишиб чиқсак, масала янада равшанлашади¹.

Тема: Ҳамза — драматург.

План:

1. Ҳамза ижодида драматик асарларнинг вужудга келиши.
2. Феодал жамиятидаги оғир ҳаёт Ҳамза драмаларининг асосий мавзудир.
3. Адибнинг саҳна асарларида феодал муносабатларнинг акс этиши.
4. Саҳнада ўзбек аёли тақдири.
5. Ҳамзанинг тема танлаш ва образ яратиш маҳорати.
6. Ҳамза — ўзбек совет драматургиясининг асосчиси.

План:

Тема: А. Қодирий — тарихий романлар устаси.

1. Тарихий роман ҳақида қисқача маълумот.
2. А. Қодирий ижодининг бошланиши.
3. «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар».
4. Ёзувчи романларида меҳнаткаш халқ тақдири тасвири.
5. А. Қодирий романларида олижаноб инсон образи.
6. Иродали ўзбек аёллари қиёфасининг яратилиши ёзувчи романларининг хусусиятларидандир.
7. А. Қодирийнинг сўз санъаткори сифатидаги маҳорати.

Тема: Ойбек — йирик прозаик.

План:

1. Ойбек прозасининг тематикаси ҳақида маълумот.
2. «Навой» романи ёзувчи прозасининг классик намунасидир.
3. Ойбек прозасида халқнинг феодал жамиятидаги ҳаёти тасвири
4. Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги давр ҳаётини тасвирлаш адиб прозасининг мавзуларидандир.
5. Ойбек ижодида чет эл ҳаёти темаси.
6. Ойбекнинг прозаик асарларини севиб ўқийман.

¹ Планларни содда шаклда тузишни тавсия этиш маъқул.

Тема: А. Қаҳҳор — ҳикоянавис.

План:

1. А. Қаҳҳор — ўзбек совет адабиётининг таниқли вакили.

2. Ёзувчи ҳикояларининг тематикаси ҳақида маълумот.

3. Ўтмиш ҳақидаги ҳикояларда халқнинг фожиали ҳаёти тасвири.

4. Совет воқелиги ёзувчи ҳикояларининг мавзуларидандир.

5. А. Қаҳҳор ҳикояларида акс этган ўзбек аёллари тақдир.

6. Ҳаётдаги айрим иллатларни фош этиш ёзувчи ижодининг асосий хусусиятларидандир.

7. А. Қаҳҳор ҳикояларининг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

Номлари тилга олинган мавзулардан бирини танлаб иншо текстини вужудга келтириш йўллари белгилайлик. Масалан, «А. Қаҳҳор — ҳикоянавис» темасини олайлик. Иншонинг биринчи моддасида ёзилиши мумкин бўлган маълумотлар ҳажм жиҳатдан катта. Улардан қайсиларини ёритиш ўқувчининг ихтиёрига ҳавола. Хусусан, бу ўринда қуйидагилар назарда тутилади:

А. Қаҳҳор бадий адабиётнинг проза ва драматургия турида ижод қилди. Унинг «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романлари, «Ўтмишдан эртақлар» повести, «Ўғри», «Бемор», «Асрор бобо», «Даҳшат» каби ҳикоялари, «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» пьесалари ўзбек совет адабиётининг тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ёзувчининг асарлари ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим ва долзарб масалалари ҳақида ҳикоя қиларди. Аммо ёзувчи яқин қирқ йил ижод қилганига қарамай, у яратган асарлар сон жиҳатдан кўп ва ҳажм жиҳатдан катта деб бўлмайди. Бунинг сабабини ёзувчининг сўз санъатига бўлган муносабатидан ахтариш лозим. А. Қаҳҳор ҳар бир ижодкорга, шу жумладан, ўзига ҳам ўта талабчанлик билан ёндашган адиб эди. Унинг қаламига мансуб бўлган кўпчилик асарлар гоёвийлик ва бадийлик талабларига тўла жавоб беради. Бу ҳақда адабиётшунослар О. Шарафиддинов, У. Норматов, С. Мамажоновларнинг мақолаларида, С. Аҳмаднинг эсдаликларида қимматли фикрлар баён этилган.

Уқитувчи машғулотларда ёзувчининг бевосита ўзига хос услуби, ижодининг характери ҳақида маълумот берса, бадиий асарларни ўқишга, мустақил фикрлашга уриниш ортади. Хусусан, А. Қаҳҳорнинг ҳаётдаги айрим камчиликларни аниқ кўриш ва тезда унга муносабат билдириш хусусияти алоҳида эътиборга сазовор эди. 30-йиллардаёқ, саводсиз бўлишларига қарамай, ўзларини жамиятимизнинг гули деб ҳисоблаган айрим зиёлиларнинг ҳақиқий қиёфасини «Санъаткор» каби ҳикоясида очиб ташлаган эди. «Тўйда аза», «Қабрдан товуш», «Нурли чўққилар» ҳикояларида ҳам ҳаётдаги баъзи иллатлар фош этилади. А. Қаҳҳорнинг ҳақиқий мухлислари унинг ҳақгўйлиги учун ҳам севганлар. Адибнинг асарларида халқ тилидан маҳорат билан фойдаланиш ҳам ўқувчининг эътиборини тортмай қолмайди. Жумладан, «Ўғри» ҳикоясида «Қобил бобо ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди», «Қобил бобонинг қўшниси бурунсиз элликбоши кирди»; «Икки ёрти бир бутун» ҳикоясида «Сиз араванинг гупчагини ерга қўмгансиз, худо урсин, бодринг кўкариб чиқади»; «Санъаткор»да — «ж»нинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайдиган эдилар. Қанақа ёзилади? «Кичигини ёзиб, қаттиқроқ ўқинг» каби деталлар А. Қаҳҳор ҳикояларининг ўқилишлилигини таъминлаган омиллардан ҳисобланади.

Бу маълумотлардан «А. Қаҳҳор — ҳикоянавис» темасида ёзиладиган иншонинг сўнгги қисмида, ёзувчининг маҳорати ҳақида фикр юритилганда фойдаланиш ҳам мумкин.

Бу темага оид планнинг иккинчи моддасида ёзувчи ҳикояларининг тематикаси ҳақида фикр юритиш назарда тутилади. Бу масалани ёритишда қуйидаги темаларни қайд этиш мумкин:

1. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан аввалги давр ўзбек халқи ҳаёти тасвири. Бу ўринда «Ўғри», «Анор», «Бемор», «Даҳшат» каби ҳикояларга мурожаат қилиш мумкин.

2. Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг фашист босқинчиларига қарши олиб борган кураши. Ёзувчи ўзининг «Асрор бобо», «Кампирлар сим қоқди», «Қизил конверт», «Сеп» асарларида гитлерчиларга қарши фидокорона курашаётган фронтдаги ва фронт орқасидаги совет кишиларининг ҳаётини тасвирлаган.

3. Ёзувчи ижодида совет даври ҳаётининг акс этиши.

Унинг ҳикояларида турмушда учраб турадиган айрим камчиликларнинг танқид қилиниши. Бу мавзу адибнинг «Санъаткор», «Тўйда аза», «Нурли чўққилар», «Минг бир жон», «Қабрдан товуш» каби ҳикояларида ўз ифодасини топган.

Қайд қилинган мавзулардан маълум бўладики, А. Қаҳҳор ўз ҳикояларида ўзбек халқининг инқилобдан олдинги давр ҳаётини тасвирлашга, кейинги даврдаги ўзгаришларни ёритишга эътибор берган экан.

Албатта, ёзувчининг революциядан олдинги ҳаётни тасвирлашга бўлган уриниши қонуний бир ҳол эди. Утмишдаги фожиаларни аниқ тасаввур қилмай туриб ҳозирги кун қадрига етиб бўлмайди. Ёзувчи ўтмиш ҳаётни ўз ўқувчиси кўз олдида гавдалантириш учун ортиқча умумий тушунчаларни баён қилмайди, балки айрим кичик бадий деталлар орқали ўз мақсадига эришади. Ёзувчи, ўрни келганда, воқеани ўз номидан, ўрни келганда, қаҳрамон номидан ҳикоя қилади. Энг муҳими, ҳар икки ҳолатда ҳам ёзувчи билан ўқувчи ўртасидаги самимий муносабатга зарар етмайди. Воқеалар оддий, ҳамisha рўй бериши мумкиндай содда ифода этилади. Лекин мана шу оддий воқеада қандайдир ўзига хослик ҳам сезилиб туради. Эътибор берайлик: «Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бировни эри уради, бировнинг уйи хатга тушади... Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди». Ёзувчи оддий ҳодисаларни санаб ўтпти, бироқ ҳўкизнинг ўғирланишини улардан ажратяпти. Чунки ҳўкизнинг ўғирланиши бир хонадоннинг хонавайрон бўлишидан нишона эди. Энди ёзувчи хонадоннинг хонавайрон бўлишини босқичма-босқич китобхон кўз олдида гавдалантириши керак. Ҳўкизнинг йўқолганлиги ҳақида хабар бермоқчи бўлган бурунсиз элликбошининг ўзи ўша заҳоти, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ Қобил бобонинг «ҳамёнини қоқиштириб» кетади. Кечқурун амин топилмаган ҳўкизнинг суюнчисини олишдан тортинмайди. Қобил бобо азайимхонга абдастагардон қилдиргани ярим қоп жийда, уч елпиштовоқ жўхори, икки калава ип олиб боради, аммо ҳўкиз топилмайди. Саккизинчи кун аминнинг олдида Кобил бобо борганида, амин унга дашном бера бошлайди. Тилмочнинг ўзига учта тебуқ билан юзта тухум берилади. Приставка яна иккига тебуқ билан уч сўм пул кетади. Ўша пайтда уч сўмга битта қўй берилишини назарда тутсак, Қобил бобо порага берган пуллари, қўни-қўшнилardan йнғилган нар-

саларнинг ҳисоби билан яна бир ҳўкиздан ажраган эди. Фақат унинг иккинчи ҳўкизини олган амалдору тилмочларнинг устидан на одамларга, на идораларга шикоят қилиб бўларди. Чунки уларнинг биронтаси ҳам расмий жиҳатдан Қобил бободан нарса олган эмас, шунинг учун ҳам ҳикояга «Отнинг ўлими—итнинг байрами» мақоли эпиграф қилиб олинган. Мақолнинг асл маъносига кўра, от сўйилган хонадонда ит гўштга тўяди. У байрам қилади. Мақолнинг кўчма маъносида эса отнинг ўлими билан Қобил бобо ҳўкизининг ўғирланиши, итнинг байрами билан амалдорларнинг пора олишлари учун сабабнинг пайдо бўлгани қиёсланапти.

Агар ўтмиш ҳақидаги ҳикояларни ана шу тарзда аниқ далилларга суянган ҳолда таҳлил қилсак, «Анор», «Бемор» ҳикояларида ҳам халқимиз бошидан кечирган қора кунларга гувоҳ бўламиз.

Ёзувчи ўз новеллаларида совет даврида халқимизнинг ҳаётидаги ва онгидаги муҳим ўзгаришлар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Совет давлатининг ўрнатилишига ўз жонини фидо қилган оддий меҳнаткашлар («Кўр кўзнинг очилиши»)ни, фашист босқинчиларига қарши курашда фаол иштирок этган қариялар («Асрор бобо»)ни, қариб қолганига қарамай ёшлик ғайратини йўқотмаган кампирлар («Кампирлар сим қоқди»)ни мадҳ этди. Ўгмиш ҳақидаги ҳикояларни ўқиган ўқувчи ёзувчининг ўкинчини сезмаслиги мумкин эмас. Совет воқелиги ҳақидаги асарларда эса А. Қаҳҳорнинг маънавий қониқиши, шу фидокор халқнинг бир томчиси эканидан мағрурланиши намоён бўлади. Совет воқелиги акс этган ҳикоялардаги мавзуга эътибор берсак, уларда мамлакат тарихининг муҳим давлари ҳақида фикр юритилганини билиб оламиз. «Кўр кўзнинг очилиши»да босмачиларга қарши кураш воқеалари акс этирилади. Аҳмад полвоннинг ақл билан иш тутиши натижасида босмачилар ўз қўрбошисидан айриладилар. Аҳмад полвоннинг ҳаракатларида ишбилармон ва иродали шахснинг хусусиятлари намоён бўлади. У ўзининг қатл этилишини билади. Аммо ҳалок бўлишидан аввал яна бир разил душманни йўқ қилиш режасини тузади. Бу билан ёзувчи Совет давлатининг катта қурбонлар эвазига вужудга келганини яна бир бор таъкидлайди.

«Асрор бобо» ва «Кампирлар сим қоқди» ҳикоясида эса ҳар бир совет кишиси ўз халқи ва ватани учун бутун куч-ғайратини аямаслиги лозимлиги ифодаланади.

Аслини олганда, бу қариялар Аҳмад полвоннинг тенгдошларидир.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида иншо ёзганда, уларда ўзбек халқининг тақдири ифодаси ҳақида фикр юритиш жуда муҳим ҳисобланади. Аввало, қайси образларни назарда тутишимиз мумкин? Гап шундаки, Абдулла Қаҳҳорнинг кўп ҳикояларида иштирок этувчи образларнинг номи келтирилмайди. Бу билан А. Қаҳҳор ҳикояларидаги иштирок этувчи шахс оддий инсон эканлигини таъкидлаб ўтади. Айни пайтда бир қатор образларнинг номларини қайд этиш ҳам мумкин бўлади. У яратган Мастура, Фотима, Зуҳра образлари шулар жумласидандир. Ёзувчининг фикрича, ўзбек аёли идрокли, ифбатли, ақлли аёллардан ҳисобланади. Масалан, «Даҳшат»даги Унсин феодал жамияти қонунқондаларига кўр-кўрона бўйсунмайди. У ўз эридан ажралиш учун розилик олиш мақсадида унча-мунча эркак кишининг қўлидан келмайдиган журъат кўрсатади. Тун қоронғисида қабристонга бориб, гўрлар орасида чой қайнатади, аммо эри макрининг қурбонига айланади. Бу прода «Минг бир жон»даги Мастура образида янада кучли намоён бўлади. Мастура ўлим тўшагида ҳам ҳаётга умид билан қарайди. Ҳатто ҳовлисига англашилмовчилик оқибатида киритилган тобут ҳам унинг иродасини буколмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Нурли чўққилар» ҳикоясидаги Фотима ва Зуҳра образлари 50-йилларда яратилган бўлса ҳам, уларни ҳозирги кундаги қизларимизнинг типик вакиллари дейиш мумкин. Овасининг эркалашлари, авайлашлари, ортиқча мақташлари натижасида Зуҳра келажагидан ажралди. Меҳнатдан қочмаган Фотима эса ҳаётда ўз ўрнини топди.

Абдулла Қаҳҳор ижодига ҳаётда учраб турадиган иллатларни фош этиш хусусияти хос эди. У ўзининг 30-йиллардаги ҳикояларидаёқ саводсиз зиёлиларни («Санъаткор», «Адабиёт муаллими»), лаганбардорларни («Икки ёрти — бир бутун»), ашаддий кашандаларни («Башорат») қаттиқ танқид остига олди. Улуғ Ватан уруши йилларидаги фельетонларида фашист босқинчиларининг юртимизга бостириб киришидан фойдаланиб революциядан аввалги мавқеига эришиш орзусида юрган ёт унсурларни фош этди. Кейинчалик ўз ёшига муносиб иш тутмаган енгилтак шахслар, порахўрлар адиб ғазабига дучор бўлдилар.

А. Қаҳҳор ўз суҳбатларидан бирида ёзувчи асарининг пайдо бўлишини товуқнинг тухум қўйишига ўхшатиб, бирон фикр, асар ижодкорнинг хаёлида етилгандан сўнг, тухум қўядиган товуққа ўхшаб тинчини йўқотиб қўйишини айтган эди. Бу фикрдан шундай хулосага келиш мумкин: А. Қаҳҳорнинг айниқса сўнгги давр ижодига оид биронта асари шунчаки, кўнгил хуши учун яратилган эмас. Ҳар бир ҳикоясидан тортиб драма, қиссаларигача албатта бирон муҳим гап айтилади, ҳаётдаги камчиликлар танқид қилинади.

Ёзувчининг ҳикоялари том маънода ўзбек адабиётининг ажойиб намуналари ҳисобланади. А. Қаҳҳор ижодининг бошланиш нуқтаси ўзбек совет адабиётининг шаклланиш даврига тўғри келади.

А. Қаҳҳор ўзбек ҳикоячилиги сарчашмасини барпо қилган ёзувчилардан ҳисобланади. У яратган ҳикоялар мундарижаси кейинги давр ҳикоячилигимиз учун йўналиш берди. Ҳаётдаги энг муҳим масалаларни қаламга олиш, эса қоладиган жонли образлар яратиш, асар сюжет чизигини кескин конфликт асосида қуриш, озу соз ёзиш маҳорати ёш ёзувчилар учун ижод ва маҳорат мактабига айланди.

Маълум бўладики, адиб ижодидаги маълум жанрга оид асарларнинг таҳлилига бағишланган иншооларни ёзишда ўқувчидан ана шу жанрда яратилган асарлар билан танишиб чиқиш талаб этилади. Уларнинг адабиёт тараққиётида тутган ўрни, тематикаси, адибнинг бадий маҳорати ҳақида фикр юритиш сўралади.

Маълум бир асарнинг ғоявий-бадий таҳлилига оид иншоолар мазкур асар ҳақида ўқувчининг мукамал билимга эга эканлигини аниқлаш мақсадида ёзилади. Ғ. Ғулومнинг «Сен етим эмассан» шеъри, Э. Жуманбулбулнинг «Ўртоқ Ленин» достони, Уйғуннинг «Назир отанинг ғазоби», Зулфиянинг «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» шеърлари таҳлилига бағишланган иншоолар шулар жумласидандир. Ўқувчи бадий асарни таҳлил қилишда қуйидаги масалаларга эътибор бериши зарур:

1. Бадий асарнинг жанри.
2. Унинг ёзувчи ижодида тутган ўрни.
3. Адабиёт тараққиётида тутган ўрни.
4. Тематикаси.
5. Ғоявий йўналиши.
6. Бадий хусусиятлари.

ва чуқур мулоҳаза юритиш талаб этилади. Асардан конкрет парчалар келтириш, уларни атрофлича изоҳлаш ҳам яхши натижа беради.

Адабий темаларда ёзиладиган иншолар орасида бадий асарда акс этган маълум бир тема, бирор масаланинг таҳлилига оид иншоларни ёзиш анча мураккабдир. Чунончи, «А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида хонлик даври иллатларининг фош этилиши», «Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида янгича ахлоқ ғалабаси тасвири», «Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида илм ва меҳнат аҳли фожиясининг акс этирилиши» каби темаларда иншо ёзиш махсус тайёргарлик кўришни тақозо этади. Уқитувчилар бундай иншо­ларда нималар ҳақида ёзиш кераклигини ҳамиша ҳам аниқ кўрсатиб бермайдилар. Бизнингча, иншога тайёргарлик кўриш давомида бундай темаларни ёритиш методикаси аниқ кўрсатиб берилиши керак. Бадий асарда акс этирилган маълум бир масала кўпинча тарихий шароит билан боғлиқ бўлади. Уқувчи ана шу тарихий шароитни яхши билса, ўз фикрларини баён қилишда у қадар қийналмайди. Фараз қилайлик, ўқувчиларга Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида хонлик тузуми иллатларининг фош этилиши ҳақида иншо ёзиш тавсия этилди.

Иншога тайёргарлик давомида ўқувчилар романи тўла ва мукамал ўқиб чиққан бўлишлари шарт, чунки бундай темадаги иншоларни ёзиш асар текстини жуда яхши ўзлаштиришни тақозо этади. Дастлаб романнинг ўзбек совет прозаси тараққиётида тутган ўрни, Абдулла Қодирий томонидан 20-йилларнинг бошларида Қўқон хонлиги тарихи синчковлик билан ўрганилганлиги, жуда кўп ҳужжатлар кўздан кечирилганлиги юзасидан маълумот берамиз. Бизнинг бу йўналишдаги тушунтиришларимиздан ўқувчи «Меҳробдан чаён» романига боғлиқ ҳамма иншо­ларни ёзишда ҳам фойдаланаверади. Асарда хонлик тузуми иллатларининг фош этилишини ёритиш учун ўқитувчи қўшимча маълумотлар бериши керак. Назаримизда иншонинг асосий қисмида феодал жамиятидаги мансабпарастлик ва худбинликни фош этишга эътибор бериш маъқул. Хусусан, Абдураҳмон каби разил ва мунофиқ шахсларнинг вужудга келишидаги социал заминни таҳлил қилиш керак. Шунингдек, Анварининг мирзалик лавозимига

қўтарилиш арафасидаги Солиҳ махдум хонадонидаги суҳбатларга эътибор бериш лозим.

Иккинчидан, Худоёрхон саройидаги канизлар ҳаётининг тасвирланиши, Раънонинг хон саройига олиб келиниши муносабати билан тузилган режалар таҳлил этилади. Айниқса, Абдураҳмоннинг Анвардан ўч олиши Раъно ҳақида Гулшанга хабар бериш билан бошланганлиги таҳлил этилади. Хон саройидаги разилликлар, тартибсизликлар мунофиқ шахс мақсадининг амалга ошиши учун имкон беради.

Учинчидан, хонлик тузуми иллатлари ҳукмдорларнинг муштумзўрлиги билан боғлиқ эди. Худоёрхоннинг хоҳиши билан келган совчилар Анвар билан Раънонинг унаштирилганлигига мутлақо эътибор бермайдилар. Бу билан улар шариатни ҳам топтайдилар. Айни вақтда Раънонинг ихтиёри билан қизиқмайдилар. Ёшлар хон чангалидан қутулиш чораларини кўрганларида уларнинг ҳаракатлари саройдаги зўравонлик билан чекланади.

Тўртинчидан, адиб роман давомида меҳнаткаш халқ вакиллари, илғор фикрли зиёлилар орқали омманинг хонлик тузуми иллатларига бўлган муносабатини ҳам тадрижий равишда кўрсатиб боради. Иншода бу фикрни Сафар бўзчи, Анвар, Султонали каби қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракати орқали асослаш мумкин. Айниқса, Раъно билан Анварнинг хон саройи муҳити ҳақидаги суҳбатларига алоҳида эътибор берилади.

Иншонинг якунида ўқувчи ўз мулоҳазаларини баён қилар экан, романда хонлик тузуми иллатларининг фош этилиши унда қандай таассурот қолдирганлигига алоҳида эътибор беради. Ёзувчи акс эттирган ҳаётини эпизодларнинг эстетик қимматини баҳолайди.

Юқорида қайд этилган фикрларни ҳисоблаб, «Меҳробдан чаён» романида хонлик тузуми иллатларининг фош этилиши» темасида ёзиладиган иншонинг тахминий планини тавсия этамиз.

Тема: «Меҳробдан чаён» романида хонлик тузуми иллатларининг фош этилиши.

План:

I. Кириш:

1. «Меҳробдан чаён» ўзбек совет прозасининг ажойиб намунасидир.
2. Тарихий ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши.

II. Асосий қисм:

1. Феодал жамиятидаги мансабпарастлик ва худбинликни фош этиш ёзувчининг мақсадларидан биридир.
2. Романда хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатнинг акс эттирилиши.
3. Хон саройидаги зўравонликнинг ҳаққоний тасвири.
4. Меҳнаткаш омманинг хонлик тузуми иллатларига муносабати тасвири.

III. Хулоса:

«Меҳробдан чаён» романи менинг севимли асаримдир.

«Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида янгича ахлоқ ғалабасининг тасвирланиши» темасидаги иншонинг планида эса ўқувчи ўз мақсадини бошқачароқ йўналишда ифодалайди. Бу иншонинг плани қуйидаги кўринишга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1. Ҳ. Олимжон — ўзбек совет адабиётининг таниқли вакили.
2. Ҳ. Олимжоннинг 30-йиллардаги ижоди ҳақида қисқача маълумот.
3. «Зайнаб ва Омон» поэмасида янгича ҳаётнинг кишилар онгига таъсири тасвири.
4. Зайнабнинг ўз бахти учун кураши — ориятсизлик эмас.
5. Эски жамият урф-одатлари танқиди поэманинг асосий мавзуларидандир.
6. Оила қурилишининг янги анъаналарини мадҳ этиш шоирнинг асосий мақсадидир.
7. «Зайнаб ва Омон» поэмасининг 30-йиллар ўзбек поэмачилигида тутган ўрни.

Шундай қилиб, асардаги маълум бир масаланинг акс этишини таҳлил қилишга оид иншода нималарни ёзиш кераклигини белгилаш муҳим ҳисобланади. Бу вазифа қанчалик аниқ бажарилса, иншо шу қадар мукамал ва мазмунли чиқади.

Бадий асардаги образлар характеристикасига оид иншолар курс давомида ёзиладиган иншолар тематикасининг салмоқли қисмини ташкил этади. Тўғри ва мукамал характеристика ўқувчи томонидан асарнинг гоъвий-бадий кимматини яхши англаб етилганидан далолат беради. Ўқувчи бадий образга ҳаётдаги индиви-

дуал шахс сифатида муносабатда бўлиши керак. Ижобий қаҳрамонларнинг тақдирига бефарқ қарамаслиги, салбий образнинг нуқсонларини аниқ қоралай олиши лозим. Афсуски, ўқувчиларнинг оғзаки жавобларида ҳам, ёзма ишларида ҳам шу ўринда камчилик кўзга ташланади: кўпинча улар ўқитувчининг дарс давомида айтган гапларини, дарсликдаги фикрларни қайта такрорлаш билан чегараланадилар. Образларга характеристика туридаги иншолар бадиий асар мазмунининг баёнидан иборат бўлиб қоляпти. Ваҳоланки, бундай иншода қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, фазилат ва нуқсонлари ёритилиши керак. Баъзан эътибор характеристика ўрнига бирон воқеа-ҳодисани таҳлил қилишга қаратилади. Масалан, «Саида образига характеристика» темасидаги иншода Саиданинг «Бўстон» колхозига бориши, Улуғбек образи ҳақидаги иншода Улуғбекнинг тахтдан воз кечини каби масалалар планда алоҳида модда сифатида қайд этилади.

Образга характеристика бериладиган дастлабки машғулотни оддий суҳбатдан бошлаймиз. Суҳбат давомида ўқувчилардан уларнинг дўстлари ҳақида сўралади. Табиийки, ҳар бир ўқувчи ўз дўстини эслайди ва дўстлашиш сабабларини айтиб беради. Одатда, суҳбат давомида ўқувчиларимиз ўз дўстларининг ростгўй, продали, меҳнатсевар, меҳрибон, жисмонан бақувват бўлганликлари учун ҳурмат қилишларини айтадилар. Эътибор берайлик, дўстларнинг бирон воқеа-ҳодисада иштирок этганликларини эмас, уларнинг хусусиятларини эслайдилар. Суҳбатдан келиб чиққан ҳолда, ўрганилаётган образнинг хусусиятларини аниқлаш учун, савол берамиз. Адабиётдан ўқув программасига кўра дастлаб Павел ёки Пелагея Ниловна образи ҳақида фикр юритилади. Павел ўзининг қандай хусусиятлари билан ўқувчиларнинг ёдида сақланиб қолганлиги сўралиб, бу образга характеристика берила бошланади. Иншода эса оғзаки жавобларни ёзма тарзда ифодалаш лозимлиги уқтирилади. Совет адабиётида, хусусан, ўзбек совет адабиётида яратилган образларни таҳлил этишда маълум камчиликларга йўл қўйилмоқда. Улардан бири ижобий ёки салбий образларга баҳо беришда кўзга ташланади. Ижобий образлар фақат мусбат, салбий образлар эса фақат манфий белгилар орқали изоҳланади. Натижада ўқувчиларда ўрганилаётган образларга инсон сифатида эмас, схематик тарзда яратилган қўғир-

чоқ сифатида қараш пайдо бўлади. Ваҳоланки, адиблар яратган қаҳрамонлар асосан ижобий ёки салбий кишиларга бўлингани ҳолда, айрим нуқсонлар (ижобий қаҳрамонларда) ёки фазилатлар (салбий қаҳрамонларда) кўзга ташланади. Хусусан, «Бой ила хизматчи» драматсида Ғофир жуда кўп фазилатлари билан ўқувчи ёки томошабинни ўзига мафтун этади. Аммо Жамила билан яккама-якка суҳбатларидан бирида шундай дейди: «Гапир, Жамила! Кўзимга қара! Аллақандай гумонлар юрагимни ёндирмоқда! Сен чиндан бой билан...» Ғофир Жамилага нисбатан гумон билан қарашдан бирдан воз кечмайди. У ўзининг бу мазмундаги гапини яна такрорлайди: «Иўқ, яширма, жонгинам! Қўрқма, бор гапни айт! Агар очиқ айтсанг, сени бир чертмайман! Гапир, жонгинам, гапир...»

Бу эпизодда Ғофирнинг кўнглида Жамилага нисбатан шубҳа пайдо бўлгани кўрсатилади. У ҳар қанча иродали бўлгани, Жамилага ишонч билан қараши баробарида атрофдаги ғийбатлар унинг кўнглида, оз бўлсада, шубҳа уйғотади. Ғофир образи ҳақида фикр юритганда, бу эпизодни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ёки Солиҳбой ҳақида гап борганда, ўқувчилар унинг салбий хусусиятларининггина қайд этадилар. Аммо унинг ниҳоятда ақлли шахс экани эътибордан четда қолади. Масалан, Солиҳбой Ғофирни уйлантириш баҳонаси билан қандай мақсадларни амалга оширганини кўриб чиқайлик.

1. Ғофирнинг йиллар давомидаги хизмати эвазига тўланадиган ҳақдан батамом қутулди.

2. Уни қарзга ботириб, умр бўйи хизматида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

3. Ўз уйида яна бир хизматчи (Жамила)нинг кўпайишига эришди.

4. Омбордаги қуртлаган туршак-жийдаларни пулга чақиб, тўйда ишлатиб юборди.

5. Тўй муносабати билан ҳамма хотинлари биттадан атлас кийдилар.

6. Онасига Ғофир ҳисобидан мурсак кийдиришни ҳам унутмади.

7. Ўзи «оталик қилгани» учун чопон кийди.

8. Турли лавозимдаги кишиларга ҳам тўн кийгазди. (Албатта, тўн кийганлар Ғофирга эмас. Солиҳбойга қуллуқ қиладилар).

9. «Камбағалга қайишадиган» бой номини олишга муваффақ бўлди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Афсуски, бу образ ҳақида маълумот берганимизда Солиҳбойнинг ақлли, айёр шахс эканлигига ҳамиша ҳам тўхтаб ўтмаймиз. Бор ақлни эзгу ниятни амалга оширишга эмас, разил мақсадни рўёбга чиқаришга қаратиш Солиҳбойнинг мунофиқ эканлигини янада кучлироқ намойиш этади.

Шунингдек, эътиборимизни Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Нурининг тўйи тасвирланган бир эпизодга қаратайлик:

«Шу қий-чув ичида Мирзакаримбой билан хотини ўртасида бир оз аччиқ-тизиқ гап ўтди: Лутфинисо қизи билан қўш келинини извошда юборишни сўради. «Ахир, кимсан, фалончининг қизи-я!»

— Эл қатори аравада кетаверсин! — деди узил-кесил бой.

— Вой, Алихўжа бойлардан нимамиз кам? Қизини қўш аргумоқли извошда юборди. Қўқон араванинг дўқири қурсин! — вайсади Лутфинисо.

— Бас! — қичқирди Мирзакаримбой. — Манманлик — худо урганлик: Эски таомилдан қолма. Яна замон нозик. Халқ мени гап-сўз қилади. Бойлар қутуриб кетди, дейди. Сен бунини тушунасанми, ноқисулақ!»¹

Бу эпизодда Мирзакаримбойнинг халқдан қўрқиши ҳам, манманликдан қочиши ҳам, ортиқча дабдабани ёқтирмаслиги ҳам ўз ифодасини топган.

Бадий образларнинг характеристикаси бевосита асар сюжети ва композицияси билан узвий боғланган ҳолда берилгандагина фикрлар конкретлашади, бинобарин, иншо ёзиш ҳам енгиллашади.

Маълумки, ўрта махсус билим юртлари адабиёт программаси, асосан, ўрта мактабларнинг 10—11-синф адабиёт программасига мос келади. Демак, I ва II курсларда ўқитувчи ўзбек совет адабиёти юзасидан хронологик маълумот беради.

Ўрганиладиган асарларда бадий образ яратиш хусусиятига алоҳида эътибор бериш зарурати бор. Одатда, социалистик реализм методида яратилган асарлар-

¹ Ойбек. Қутлуғ қон. Тўрт томлик танланган асарлар, иккинчи том, ЎзССР Давлат Бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1957, 104-бет.

даги қаҳрамонлар характерининг динамик ривожланиши ҳақида кўп гапирилади. Аммо адиб томонидан асарнинг дастлабки саҳифаларидаёқ образдаги кейинги тараққиётни асословчи деталнинг усталик билан ўқувчига маълум қилиниши кўпинча эътибордан четда қолади. Бу хусусият М. Горькийнинг «Она» романидан ҳам ўрин олган. Биз Павелнинг кейинчалик етук революционер, иродали инсон бўлиб етишишини алоҳида бўрттириб тушунтирамиз. Лекин ундаги бу белгиларнинг асоси аввалги тасвирларда ҳам ифодаланганини ҳамиша ҳам эсда тутмаймиз. Масалан, биринчи бўлимнинг иккинчи бобида шундай сатрларни ўқиймиз:

«Власов бир куни ўн тўрт яшар ўғли Павелнинг сочидан ушлаб судрамоқчи бўлди, лекин бола қўлига оғир болгани олиб:

— Тегиб кўр-чи... — деди.

Власов новча ва нозик-ниҳол ўғлининг устига девдай гавдасини ташлаб:

— Нима деяпсан? — деб ўшқирди.

— Бўлди? Энди мени уролмайсан! — деди Павел ва болгани ўқталди»¹.

Бу эпизоддан Павелнинг ёшлигиданоқ журъатли, иродали бўлганини билиб оламиз. Демак, романининг кейинги саҳифаларида қаҳрамонимизда пайдо бўлган хусусиятлар мутлақо янги эмас, балки ундаги мавжуд характернинг мантиқий ривожини натижасидир. Ишчилар посёлкасидаги ҳамма одамлар кўрқадиган Михаил Власовга ёш Павелнинг: «Тегиб кўр-чи...», — дейиши унинг «бўладиган бола» эканини далиллайди.

Ўқитувчи образларнинг динамик ривожини ҳақидаги суҳбатида шу сингари воқеаларни қайд этиши зарур. Образларга характеристикага оид иншоларида ўқувчилар ҳам ана шундай нуқталарга таянсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Программада кўрсатилган адабий асарларнинг қаҳрамонларида меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, ростгўйлик, инсонпарварлик, иродалилиқ каби фазилатлар намоён бўлади. Образнинг характеридан келиб чиқиб, унга тегишли хусусият ҳақида алоҳида фикр юритиш талаб этилади. Асар қаҳрамонлари ҳақида иншо ёзганда, характернинг динамик ривожла-

¹ Горький М. Она. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1986, 15-бет.

нишига алоҳида эътибор билан ёндашиш зарур. Кўпинча ўқувчилар образнинг динамик ривожланишини яхши тушуниб етмайдилар. Образ мураккаб воқеалар билан боғлиқ ҳолда ўсиши, чуқур психологик қарама-қаршиликларга дуч келишини тасаввур этиш қийинлик қилади. Оғзаки жавобларда «Она олдин қўрқоқ ва муштипар эди, кейин тажрибали революционерга айланди», «Ғофир содда эди, кейин ҳақиқат учун курашчига айланди» каби жумлалар ишлатадилару, унинг моҳиятини ёзма ишда ёрита олмайдилар.

Ўқитувчи образ динамикасини таҳлил этишда қаҳрамон характеридаги ўзгариш ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмаслигини уқтиради. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг хатти-ҳаракатини, китобхон кўз олдида албатта далиллайди. Иншоода динамик ривожланиш босқичма-босқич таҳлил этилиши керак. Масалан, Пелагея Ниловна образидаги динамик ўсиш жараёнини кўриб чиқайлик. М. Горький ўз романини «Она» деб атади. Унинг мақсади ижтимоий ҳаётдан мутлақо четда қолган, умр бўйи фақат меҳнатни билган, сиёсий онги жуда паст бўлган рус аёлининг революцион ҳаракатда фаол иштирок этадиган революционер даражасига кўтарилиш жараёнини тасвирлаш эди. Ҳар бир сунъий тасвир ўқувчида қаҳрамон хатти-ҳаракатига нисбатан шубҳа уйғотишини ҳисобга олган ёзувчи катта психолог сингари эҳтиётлик билан иш тутади. Пелагея Ниловнанинг ҳаёти рус меҳнаткаш аёлининг ҳаёти, тақдиридан сира фарқ қилмайди. Унинг турмушга чиқишида, ҳаётида биз ҳеч қандай фавқулодда ўзига хосликни сезмаймиз. Михаил Власовнинг доимий калтаклари қаҳрамонимизни ҳаддан ташқари ночор аҳволда қолдирган эди, романининг дастлабки саҳифаларида П. Ниловнанинг жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишининг боиси ҳам ана шунда. Ўқувчи кўз ўнгида у ҳаддан ташқари қўрқоқ, ҳадиксировчи аёл сифатида гавдаланади. У ҳатто Павел Власовдаги дастлабки ижобий ўзгаришларни кўриб ҳам қўрқади. Чунки ётар жойини тузата бошлаган, савод чиқаришга ҳаракат қилаётган ўғли энди атрофдаги бошқа ўсмирларга ўхшамаётгандек бўлиб кўринади. Она тасавбурида бундай ўзгариш охир пировардида кўнгилсиз ҳодисага сабаб бўладигандек эди.

Хуллас, М. Горький Пелагея Ниловна тимсолида Россиядаги минглаб оддий ишчи оиласидаги аёлларнинг хусусиятларини мужассам этади. Бу аёлнинг онги-

даги узгаришлар қандай содир бўлди? Ҳаётидаги қандай эпизодлар онани ўз турмуши ҳақида, тақдири ҳақида ўйлашга мажбур қилди? Асарда динамик ўсишни белгилловчи қандай муҳим нуқталар мавжуд? Ана шу саволларнинг ижобий ҳал этилиши Ниловнанинг революционер даражасига кўтарилиш жараёнини изоҳлайди.

Аввало, қаҳрамонимизда кейинги жасорат ва журъатни асословчи хусусият романнинг дастлабки саҳифаларида ҳам акс эттирилишини ҳисобга оламиз. Павелнинг уйини тинтув қилиш учун келган полициячилар уй эгасига нисбатан, яъни онага нисбатан ҳурматсизларча муносабатда бўладилар. Шунда она ўзини тута олмай:

— Сиз менга ўшқирманг! Ҳали ёшсиз, ғам-алам нима эканини билмайсиз... — дейди. Бу гап йиллар давомида эзилиб келаётган она қалбидаги журъатнинг дастлабки белгиси эди. Ёзувчи энди ана шу журъатни тарбиялаши ва вояга етказиши лозим.

Онанинг революцион ҳаракатга иштирок эта бошлашини ёзувчи унинг ўғлига бўлган оналик меҳри билан боғлайди. Пелагея Ниловна ўғлининг меҳмонларини кутиб олиш баҳонасида уларнинг гапларини эшитади. Табиатан ақлли, мулоҳазали бўлгани учун эшитганларини ўзича таҳлил этади. Фарзанди дўстларининг мулоҳазалари унга маъқул тушади. Кейинчалик ботқоқликни қуригиш мақсадида завод хўжайинлари иш ҳақидан пул олиб қолганликлари учун ишчилар иш ташлайдилар. Бу пайтда Павелнинг соғлиғи ёмон эди. Шунинг учун ишчилар олдида нутқ сўзлаш учун кетаётган Павелни она заводга кузатиб боради ва ўғлининг нутқини тинглайди. Онанинг биринчи революцион топшириқни бажариши ҳам ўғлининг қамоқдан тезроқ чиқишига қаратилган эди. Заводда варақалар тарқалишининг давом этиши Павелга қўйилаётган жиноятни соқит қиларди. Шунинг учун П. Ниловна бу масъулиятли вазифани ўзи бажаради ва ўғлининг қамоқдан озод қилинишига эришади.

Маълум бўладикки, М. Горький онани аста-секин, ўқувчида ҳеч қандай шубҳага асос қолдирмай туриб, революцион ҳаракатга қатнашини тасвирлайди. Революцион вазифани онгли равишда бажаришга тайёрлайди. Биринчи Май намойишида ерда лой чапланиб ётган байроқни ўзича яшириб уйига олиб келиши фикримизнинг далилидир. Шундан сўнг она ўғли ва унинг

дўстлари ўртасида алоқачи сифатида ҳаракат қилади. Ўғлининг қамоқдалигида унинг дўстлари билан яқинлашади, варақалар тайёрлаш, уларни тарқатишда иштирок этади, қишлоқлардаги аҳвол билан танишади. Фақат революция халқни оғир ҳаётдан ёруғликка олиб чиқиши мумкинлигига амин бўлади. Романнинг XXVI бобида ёзувчи мана бу фикрни ўз ўқувчисига гўё таъкидлагандек бўлади: «Ўғли судда айтган гапларни она энди эшитгани йўқ: бу фикрларни у биларди, лекин унинг эътиқоди бунчалик кучли ва жозибали эканини биринчи марта шу ерда, суд олдида сизди». Маълумки, Павел Власовнинг суддаги нутқи большевиклар партиясининг пролетар революциясини амалга оширишдаги программаси мазмунидан иборат эди. Ёзувчи ана шу программа билан онанинг таниш эканлигини уқтиради.

Романда Пелагея Ниловна характеридаги динамик ривожланишни изоҳловчи бундай эпизодлар кўп. Ўқитувчи улардан зарурларини танлаб ўқувчилар онгига етказди. Шундагина асарнинг дастлабки саҳифаларида ҳар қандай нарсадан ҳадиксираган онанинг: «Ақлу идрокни қонга ғарқ қилиб бўлмайди», дея олишига амин бўлади.

Маълумки, образга характеристика типдаги иншо ни ёзишдан аввал асар тексти билан танишиш муҳим аҳамиятга эгадир. Текстдаги ҳар бир эпизоддан қаҳрамоннинг маълум хусусиятини аниқ ифодалашда фойдаланиш яхши натижа беради. Умумий фикрлар иншонинг мазмунини саёзлаштиради, жозибасига путур етказди. Асардаги қаҳрамонга бадий асарнинг персонажи сифатида эмас, ҳаётдаги инсон сифатида қараш лозимлигини ҳам ўқувчилар онгига сингдириш лозим.

Бадий асардаги образларга характеристика беришга оид иншо турларидан бири гуруҳий характеристика ҳисобланади. Гуруҳий характеристикалар, одатда, характер жиҳатдан яқин қаҳрамонларга берилади. «Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Гофир ва Жамила образларига характеристика», «Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида меҳнаткашлар образи», «Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасида ёшлар образи», «Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида салбий образлар» каби темалар гуруҳий характеристика беришни талаб этади. Бадий асардаги икки асосий қаҳрамонга ёки бир гуруҳ образларга характеристика беришда уларни умумлаштириб турувчи хусу-

сиятларни аниқлаб олиш бош вазифа ҳисобланади. Баъзан ўқувчилар иншо ёзиш давомида ҳар бир образга алоҳида-алоҳида характеристика берадилар. Бу тўғри эмас. Гуруҳий характеристика беришда иншонинг планидан тортиб иншо текстигача характеристика берилган қаҳрамонларни бир-биридан ажратмаслик лозим. Фараз қилайлик, ўқувчидан Ойбекнинг «Қутлуг қон» романидаги Йўлчи ва Гулнор образларига характеристика бериш талаб қилиняпти. Ўқувчи Йўлчи билан Гулнорнинг меҳнат, инсонийлик, муҳаббат, адолат ёки бошқа масалаларга бўлган муносабатларини аниқлайди. Шундан сўнг иншонинг планини тузишга киришади. Бу планининг асосий қисми тахминан қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1. Йўлчи ва Гулнорнинг меҳнатга муносабатлари.
2. Инсоний муҳаббатга садоқат Йўлчи ва Гулнорнинг фазилатларидандир.
3. «...нега у бойни, у бойваччаларни ер ютмайди!»
4. Гулнор — феодал жамият иллатларининг қурбони.
5. Йўлчи — миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси.

Образларга характеристика типидagi иншоларнинг мураккаби қиёсий характеристика ҳисобланади. Кўпчилик ўқувчилар қиёсий характеристика беришни талаб қилувчи иншоларни ёзишга қийналадилар. Хусусан, уларнинг «Ғофир ва Солиҳбой образларига қиёсий характеристика» темасида ёзган иншолари аксари «Ғофир ва Солиҳбой образларига характеристика» мавзуга мос келади. Гап шундаки, ўқувчилар иншо планида ҳам, иншода ҳам аввал Ғофир ҳақида тўла фикр юритиб бўладилар, ундан сўнг Солиҳбойга тўхталадилар. Қиёсий характеристиканинг асосий хусусиятини аниқ тасаввур қилолмайдилар. Аслини олганда, бундай мавзудаги иншоларни ёзишдан аввал қаҳрамонларнинг қандай хусусиятларини қиёслаш лозимлиги аниқланиши зарур. Ўқитувчи дарс машғулотлари давомида ҳаётдаги энг муҳим масалаларга икки қаҳрамон қарама-қарши нуқтаи назардан ёндашишини айтиб беради. Жумладан, меҳнатга, аёлларга, ҳақиқатга нисбатан Ғофир меҳнаткаш халқ вакили сифатида объектив нуқтаи назардан муносабатда бўлади. Солиҳбой эса феодал жамияти ахлоқ нормаларидан келиб чиқиб қарайди. Шунинг учун «Ғофир ва Солиҳбой образлари-

га қиёсий характеристика» темасидаги иншога ўқувчининг тахминан қуйидагича план тузиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Тема: Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги
Ғофир ва Солиҳбой образларига
қиёсий характеристика**

План:

I. Кириш:

1. Ҳамза — ўзбек совет адабиётининг асосчиси.
2. «Бой ила хизматчи» ўзбек совет драматургиясининг классик намунасидир.

II. Асосий қисм:

1. Ғофир ва Солиҳбойнинг меҳнатга муносабати:
 - а) Ғофир — меҳнаткаш йигит;
 - б) Солиҳбой — ўзгалар меҳнати эвазига бойлик орттирувчи шахс.
2. Ғофир ва Солиҳбойнинг аёлларга бўлган муносабати:
 - а) Ғофир — соф муҳаббат эгаси;
 - б) Солиҳбой — аёлларга паст назар билан қаровчи феодал.
3. Ғофир ва Солиҳбойнинг ҳақиқатга бўлган муносабати:
 - а) Ғофир — ҳақиқатпарвар инсон;
 - б) ҳақиқатни оёқ ости қилиш Солиҳбойнинг асосий хусусиятидир.

III. Хулоса:

«Бой ила хизматчи» драмаси — ўзбек меҳнаткашларининг революциядан аввалги ҳаёти реалистик тасвирланган асар.

Албатта, тавсия этилаётган планнинг моддалари ўрин алмашиши, айримлари мазмун жиҳатдан ўзгартирилиши мумкин, аммо унинг тузилиш системаси сақланади. Чунки бир қаҳрамоннинг характери ҳақида фикр юритилиши давомида иккинчисини унга қиёслаш мақсади иншо ёзаётган ўқувчи эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Ёзиладиган иншо ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида асосий қисмнинг биринчи моддасига

Бериладиган жавобнинг текстини келтиришни жоиз деб билдик:

Ҳамза «Бой ила хизматчи» драмасида революциягача бўлган даврдаги ўзбек меҳнаткашларининг типик образини яратишга муваффақ бўлди. Томошабин Ғофирни саҳнада биринчи марта кўриши биланоқ унинг меҳнаткаш эканини билиб олади. Чунки Ғофирнинг кийими жуда содда эди. Меҳнатда чиниққан гавдасидан куч ёғилади. Яктаги эски бўлишига қарамай, тоза. Бу эса қаҳрамонимизнинг нозик табиат, покиза инсон эканлигидан далолат беради. Драмадаги иштирокчиларнинг нутқидан Солиҳбой хонадонидagi оғир юмушларни бажариш Ғофирнинг зиммасида эканини биламиз. Утин ёриш, қопларни аравага ортишдан тортиб бойни шаҳарга олиб боришгача Ғофир зиммасида. У бойнинг хонадонида меҳнат билан катта бўлади. Ғофирнинг «Йигитлик кучимнинг қаймоғини бой олди», дейиши ҳақиқат эди. Ҳар бир хатти-ҳаракати меҳнатнинг ҳадисини олган одам эканлигидан далолат беради. Инсон ўз меҳнати эвазига кун кўрса, ўзининг қадрини, ориятини, номусини ўзгалар олдида хор қилмайди. Унинг атрофидаги одамлардан тил қисиқлик жойи бўлмайди. Ғофир Солиҳбойга ҳам, шарият пешволарига ҳам ўз фикрини қўрқмасдан айтади. Айниқса, имом ва элликбошиларнинг шармандаси чиққан эпизодда ўзини тутишига ҳар бир томошабин қойил қолади. Афсуски, инқилобдан олдин Ғофирга ўхшаган меҳнаткашларнинг аҳволи аянчли эди. Шунга қарамай Ғофир ва Йўлчига ўхшаган одамлар ўз меҳнати эвазига ҳаёт кечирганликлари сабабли ҳамиша ғурур билан юрганлар. Мен Ғофирдаги меҳнатсеварлик фазилатини жуда қадрлайман. Меҳнат инсоннинг инсон эканлигини кўрсатувчи белгидир. Фикримча, меҳнатсеварлик инсондаги бошқа фазилатларнинг ҳам асосини ташкил этади. Маънавий гўзаллик ҳам меҳнатдандир. Бу мулоҳазамнинг далилини Ғофирнинг меҳнатга нисбатан ижобий муносабатида кўриш мумкин.

Солиҳбой эса ўзгалар меҳнати эвазига бойлик ортиришни одат қилиб олган мунофиқ шахсдир. Уни Ғофир сингари меҳнаткашларнинг меҳнати эвазига ортирган бойлиги қутуртирган. Унинг оиласи авлод-аждоди билан меҳнаткаш халқни ишлатиб келган. Феодал жамияти эксплуатация қилувчи синф манфаатини ҳимоя қилар эди. Ҳокимият ҳукмрон синф қўлида бўлганлиги

туфайли Солиҳбой каби юқори табақа вакиллари халқ меҳнатидан фойдаланишни табиий бир ҳол, деб тушунганлар. Оталари бой ўтганлиги учун Солиҳбой бутун ақл-идрокини қўл остидаги хизматкорлардан ҳар тарафлама фойдаланишга қаратган эди. Бу соҳада у жуда катта муваффақиятларни қўлга киритади. Мен Солиҳбойни жуда тадбиркор ва маккор бойлардан эканига алоҳида эътибор бердим. У Ғофирни уйлантириш баҳонаси билан уни умр бўйи ўз хонадони остонасига занжирлаб қўйди. Ваҳоланки, бой тўйга сарф қилинган ларажатни бир неча марта орттирган ҳолда бечора кўёвнинг зиммасига юклаган эди. Солиҳбой хўжалигидаги истеъмолдан чиққан майиз, туршак, жийдаларни тўйга ишлатиб, пулга чақади. Шариат пешволарига тўн, хотинларига атлас, онасига мурсак кийгизади, ҳатто ўзига ўзи тўн инъом қилади. Буларнинг ҳаммаси Ғофир ҳисобидан кетади, аммо ҳамма Солиҳбойга қуллуқ қилади. Тўй муносабати билан унинг хонадонига яна битта хизматкор-чўри, яъни Жамила келиб қўшилди. Солиҳбой нима учундир ҳисоб-китоб пайтида Ғофирнинг йнгирма йиллик меҳнати эвазига бериладиган пулни тилга олмайди. У Ғофирни уйлантириш билан ўзини бу пулни беришдан қутулган деб ҳисоблайди. Аммо тўйга сарфланган пулни тийинигача ҳисоблаб чиқади. Уйлашимча, Солиҳбой Ғофирни уйлантириш орқали яна бир катта мақсаднинг ҳам режасини тузади. У атрофдаги камбағаллар орасида «камбағалга қайишган, саховатли, муруватли бой» эканини намойиш қилади. Демак, унинг даласида меҳнат қилаётган камбағаллар ҳам бойнинг мурувватидан баҳраманд бўлиш илинжида яхшироқ ишлашга киришадилар. Натижада Солиҳбойнинг жуда катта режа билан иш тутадиган тадбирли ва айни пайтда маккор бой эканлиги намоен бўлади. Бу режаларнинг ҳаммаси бир муҳим мақсадга, яъни халқнинг меҳнатидан фойдаланиб, бойлик орттириш мақсадига бўйсундирилади. Маълум бўладики, Ғофир драмада меҳнатни улуғловчи, унга содиқ инсон, Солиҳбой эса фақат ўзгаларнинг меҳнати, кучидан фойдаланиш орқали айш-ишратда ҳаёт кечирувчи халқ душмани сифатида тасвирланади.

Уқувчининг иншо моддаларига шу тарзда жавоб беришга интилиши ёзма иш мавзуининг мақсади мубофиқ ёритилишига олиб келади.

Инқилобгача бўлган даврдаги ўзбек аёллари вакил-

лари Жамила, Гулбаҳор, Хонзода, Ҳожи она, Гулнор, Нури каби қаҳрамонларга ҳам қиёсий характеристика берилади. Аммо қиёсланадиган образларнинг синфий табақалари қарама-қарши эди. Шунинг учун уларнинг маънавий қиёфасида, одамларга бўлган муносабатларида, ишқ-муҳаббатга нисбатан қарашларида мутлақо қарама-қарши нуқтан назарлар намоён бўлади.

Иш тажрибамизда «Қутлуг қон» романидаги Нури-нинг Йўлчига бўлган муносабатини оқлашга уринган ўқувчилар ҳам бўлган. Иншода Нурининг ёш, гўзал қиз экани, унинг Йўлчидек келишган ва бақувват йигитга муҳаббат изҳор этиши табиий экани ёзилган эди. Иншо муаллифи қиз бола бўлгани учун биз иншони жуда эҳтиётлик билан таҳлил қилишга уриндик. Нурининг турмушга чиққандан сўнг, Йўлчини ўзиникига олиб кетишга ҳаракат қилиши, Гулнорга туҳмат тошини отиб, уни Мирзакаримбой хонадони аъзолари олдида шарманда қилишга урниши ҳақиқий инсоннинг иши эмаслигини, бундай қизни муҳаббат эгаси дейиш хато эканлигини тушунтирдик. Қолаверса, Нурининг дастлаб Йўлчини суҳбатга жалб қилишдаги уринишларида ҳам чин муҳаббат эмас, ҳирсий эҳтирос голиб экани ўқувчига тушунтирилди. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай ҳолларда ўқитувчи босиқлик билан иншо ёзган ўқувчининг шахсиятига ҳурмат билан қараб иш тутиши зарур. Акс ҳолда, ўқувчидаги иншо ёзишга қизиқиш сўниб қолиши мумкин. Иншо таҳлили ўқувчилар орасида ўтказилганда эса иншо ёзган талаба синфда мулзам бўлиши, салбий оқибатларга олиб келувчи мунозаралар иштирокчисига айланиб қолиши мумкин. Адабиёт ўқитувчиси бундай ҳолларнинг рўй беришига йўл қўймаслиги керак.

Айрим ҳолларда қиёсий характеристика турли асарлардаги икки ижобий қаҳрамон ёки икки салбий қаҳрамон таққосланиши орқали типологик йўналишда ҳам амалга оширилади. Айрим мутахассислар бундай иншо турларини «типологик характеристика» номи билан юритиш тарафдоридирлар. Хусусан, уларда Ғофир билан Йўлчи, Солиҳбой билан Мирзакаримбой, Жамила билан Гулнор солиштирилади. Бундай иншолар бадий асарларни мукамалроқ ўзлаштиришда яхши натижа беради.

Маълумки, ўқувчилар орасида «Бой ила хизматчи» драмаси ва «Қутлуг қон» романидаги воқеаларни, об-

разларни чалкаштириб юбориш ҳоллари учрайди. Уқитувчи оғзаки суҳбатлар давомида ўқувчиларга «Қутлур қон» романининг «Бой ила хизматчи» драмасидан кўп жиҳатдан фарқ қилишини тушунтириши керак. Бу фарқ, аввало, асарнинг жанрида кўринади. «Қутлур қон» романида воқеалар кенг кўламда тасвирланган. Ойбек қаҳрамонларнинг ички кечинмаларига, атрофдаги одамлар билан муносабатларига кенг ўрин берган. Драмада эса жанр хусусиятларига кўра, санъаткорнинг имконияти чегараланган бўлади. Қаҳрамонлар ҳаётидаги бир қатор воқеалар сахна ортида рўй беради ва улар ҳақида томошабин фақат персонажларнинг нутқи орқали хабардор бўладилар. Қолаверса, драмадаги Ғофир билан романдаги Йўлчини ажратиб турувчи хусусиятлар ҳам кўп. Хусусан, Ғофир ҳақиқат учун курашувчи меҳнаткаш образи ҳисобланади. Унинг революцион фаолияти сахнада ифодаланмайди. Бинобарин, бизнингча, Ғофирга революционер сифатида баҳо бериш у қадар тўғри эмас. Бироқ бу фикр Ғофирнинг асардаги бажарган вазифасини мутлақо камситмайди. Йўлчи ништирок этган воқеалар эса характер жиҳатдан бошқача бўлиб, у асар давомида бевосита революцион ҳаракат иштирокчиси билан яқинлашади. Революцион назария билан қисман танишади. Эзувчи ва эзилувчилар синфи мавжудлигини маълум даражада англайди. Шундай қилиб, Йўлчи меҳнаткашлар озодлиги ҳаркатиининг актив иштирокчисига айланади ва шу йўлда қурбон бўлади. Ғофир ва Йўлчи образларини бир-бирига қарама-қарши қўймаган ҳолда, бирини иккинчисидан камситмаган ҳолда Йўлчининг синфий онги Ғофирникидан юқори эканини қайд этиш лозим. Бу ҳолатнинг рўй беришини санъаткорларнинг мақсадидан ахтариш маъқуллиги қайд этилади.

Санъаткорларнинг тасвиридаги Солиҳбой билан Мирзакаримбой ўртасидаги фарқ ҳам синчков китобхон ва томошабиннинг назаридан четда қолмайди. Солиҳбой билан Мирзакаримбой ўртасидаги фарқни белгилашда ўқувчиларга бир савол билан мурожаат қилиш яхши натижа беради. Солиҳбой Ғофирни уйлантириш харажатидан қочмасдан унинг тўйини ўтказди. Хўш, бунинг сабаби нима? Биз машғулот ўтказган группалардаги ўқувчилар кўпинча тўғри жавоб берадилар. Улар Мирзакаримбойнинг пул сарфлашга ҳеч ҳам тоқати йўқлигини кўрсатиб, Йўлчини уйлантириши мумкин

эмаслигини айтадилар. Энди ана шу фикрни исботлашга ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилсак, икки салбий қаҳрамон ўртасидаги фарқ ёрқин намоён бўлади. Гап шундаки, Солиҳбойнинг авлод-аждоди бой ўтган. Бойлик Солиҳбойга мерос қолган. Унинг бутун ҳаракати бу бойликни орттиришга қаратилган. Бойлиги кўпайган сарни у ўзини голиб ҳисоблайверарди.

Мирзакаримбой эса ўз авлодидан чиққан биринчи давлатманд одам эди. Уни ёшлигида «Қарим читтак» деб аташарди. Чунки унинг жуссаси кичик бўлган билан жуда ҳаракатчан эди. Боққолликдан бошлаган ишини ривожлантириб сармояни кўпайтира боради. Ниҳоят, Мирзакаримбой номини олади. Шунинг учун тўнкаларни қўпориб, қишлоқ сабзи ва ёқиладиган ўтинни чиқаришга аралашиниши ўзига ор деб билмайди. Ҳар бир хизматкорининг меҳнат ҳақидан тийин бўлса ҳам уриб қолишга ҳаракат қилади. У Абдишукур билан бўлган суҳбатда пулни беҳуда сарфлаш зарарли эканини таъкидлаб, ўғли Ҳакимбойваччанинг газета учун 10 сўм пул берганига рўйхуш бермайди. Бундай одам бир неча йилдан сўнг келадиган фойда учун катта пул ажратиб, хизматкорини уйлантириб қўйиши мумкин эмасди.

Хуллас, қиёсий характеристика иншоларини ёзишга тайёргарлик кўриш давомида ўрганиладиган образларнинг ўзаро тафовут ва фарқлари ҳақида ўқувчига маълумот бериб бориш яхши натижа беради. Ҳар бир бадий образ замирида индивидуал характер ётиши, унда такрорланмас хусусиятлар мавжудлигига ўқувчиларимизни ишонтира олишимиз лозим.

Асарнинг бадий хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган иншолар бошқа мавзудаги иншоларни ёзишдан анча мураккаблиги билан фарқ қилади. Бадий адабиётнинг назариясига оид маълумотларга эга бўлмай туриб бундай иншоларни ёзишга уриниш бефойда. Чунки бадий хусусиятлар таҳлил этилар экан, ўқувчининг фикр юритилаётган асар ғояси, сюжети, композицияси, бадий воситалар (ўхшатиш, сифатлаш, истиора, муболаға ва бошқалар), асарнинг тил хусусиятлари каби масалаларга аҳамият бериши талаб қилинади. Бу эса, биринчидан, назарий материалларни ўзлаштириш, иккинчидан, мазкур материалларни таҳлил этилаётган асарга инсбатан татбиқ эта олиш малакасини талаб қилади.

Бадий хусусиятга оид иншони қисқа киришдан

сўнг, асар сюжет чизиги ҳақидаги фикрларни баён қилишдан бошлаш маъқул. Адиб асарнинг прологини нимадан бошлайди? Ўқувчини ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеага қандай йўл билан олиб киради? Асарнинг композициясини белгилловчи тугунни қайси эпизод (эпизодлар) ташкил этади? Воқеалар қандай ривожланиб боради? Қарама-қарши характердаги қаҳрамонлар ўртасидаги конфликт қандай ривожланади? Сюжет чизигидаги воқеаларнинг кульминацион нуқтани яқинлаштиришдаги вазифасини қандай баҳолаш мумкин? Кульминацион нуқта қаерда? Воқеа ечими ва эпилогни қандай баҳолаш мумкин?

Шундан сўнг асардаги воқеалар тизмаси тўғрисида фикр юритилади. Адиб автор баёни, қаҳрамонлар портрети, уларнинг нутқи, ўзаро диалогларини тасвирлашда мутаносибликни сақлай олганми? Одатда, лирик асарларнинг бадий хусусиятлари ҳақида иншо ёзишга эътиборни кўпроқ қаратамиз. Бундай ҳолларда лирика ҳақида қисқача маълумот берилади, шеърнинг мазмун жиҳатдан лириканинг қайси турига мансуб экани белгиланади. Бандларда ифодаланаётган фикрларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириши изоҳланади. Ўқувчи иншоода шеърнинг вазни, ҳижо ва қофияси ҳақида ҳам тўхталиб ўтиши зарур. Шунингдек, ўқувчи айрим бадий воситалар ҳақидаги таассуротини ёзиши ҳам муҳим ҳисобланади. У «Асар бадий жиҳатдан ҳам мукамал ёзилган. Унинг сюжети ва композицияси талабга жавоб берадиган даражададир. Адиб ўз ижодида ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби бадий воситалардан фойдаланган. Асарнинг тили жозибали» тарзидаги умумий фикрлардан воз кечиб, ўз мулоҳазаларини конкрет мисоллар орқали исботлаб бериши зарур.

Юқорда қайд этилган масалалар ёритилгандан сўнггина бадий приёмлар таҳлил қилинади. Бадий воситаларнинг асарда тутган ўрни, уларнинг асар гоёсини ўқувчига етказишдаги вазифаси ўрганилади. Ниҳоят, адибнинг маҳорати, тилдан фойдалана олиш тажрибаси баҳоланади.

Табийки, ўқувчи бир иншо ҳажмида бадий хусусиятлар ҳақида ҳар томонлама кенг ва мукамал таҳлил ўтказиш имкониятига эга эмас. Иккинчидан, бадий хусусиятларни чуқур таҳлил эта олмайди ҳам. Шунинг учун ўқитувчи томонидан унга маълум эркинлик берилади. Ўқувчи ўзи билган масалаларни билим ва иқти-

дори доирасида таҳлил этиши мумкинлиги қайд этилади. Бадий приёملарнинг айримларини чуқур, айримларини нисбатан саёз, бошқаларини эса фақат тилга олиб ўтилиши нормал ҳол ҳисобланади. Баъзан ўқувчилар асарнинг бадий хусусиятлари ҳақида иншо ёзганларида ўзларига маъқул бўлган бир-икки нуқта ҳақида кенг фикр юритадилар ва ана шу йўл билан темани ёритишга уринадилар. Бундай ҳолатларни ҳам нормал деб ҳисоблаш мумкин. Энг муҳими, ўқувчининг иншоини бошқа мавзуга бағишлаб қўймаслигидир.

Асарнинг бадий хусусиятлари ҳақида конкрет фикр юритган, баъзи мунозарали мулоҳазаларни ҳам ёзишга ҳаракат қилган ўқувчиларни рағбатлантириш лозим. Масалан, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасининг сюжет чизиги ҳақида иншо ёзаётганда, айтайлик, ўқувчи воқеа тугунини аниқлашга эътибор берди. У драмадаги икки эпизодга кўпроқ тўхталди: Солиҳбой билан Ғофир ўртасидаги ҳисоб-китоб ва Солиҳбойнинг Жамилани кўриш эпизодларини таҳлил этди. Асардаги воқеа ривожини белгилловчи саҳна бой ва хизматкор ўртасидаги ҳисоб-китоб эмас, юз кўришиш эканлигини исботлашга уринди. У драманинг давомида Ғофир билан Солиҳбой ўртасида рўй берган низода тўйга сарф қилинган харажатларни ҳисоблаш эмас, Жамилага бўлган муносабатлар етакчилик қилишини қайд этди. Демак, ўқувчи асосий мақсадни тўғри тушунган, иншонинг мазмуни темага мувофиқ йўлдан бормоқда.

АДАБИЙ-ИЖОДИЙ ИНШО

Иншолар тематикасида шундай мавзулар ҳам борки, уларда ҳам адабий, ҳам ижодий иншолардаги хусусиятлар мужассам бўлади. Айрим ҳолларда ўқитувчилар ўқувчиларнинг бадий асарлардаги қаҳрамонлар, уларнинг авторлари ҳақидаги фикрларини билдишга қизиқадилар. «Йўлчи — мен севган қаҳрамон», «Саида — мен севган қаҳрамон», «Зулфия — мен севган шоира» каби темалар шу мақсадда берилади. Баъзан эса «Мен севган шоир», «Мен севган қаҳрамон» темаларини ўқувчиларга тавсия қилганимизда, улар программада ўрганилган адиб ё қаҳрамон ҳақида ёзишни хоҳлайдилар. Бундай пайтларда ҳам иншо мавзуи адабий ва ижодий мавзулар оралиғида ёригилади. Биз бундай

пайтларда уларни шартли равишда адабий ижодий иншо деб аташни маъқул деб топдик. Чунки уларда, бир томондан, адабиёт программасида ўрганилган материалларга суянилса, иккинчидан, бу маълумотлар бевосита ўқувчининг ҳис-ҳаяжони, таассуротлари зами-нида таҳлил этилади.

Адабий-ижодий иншо ичида алоҳида қаҳрамонлар-нинг фазилатлари таҳлил қилинган иншолар кўп учрай-ди. Павел, Гофир, Жамила, Йўлчи, Гулнор, Анвар, Раъно ва бошқа образлар ҳақиқатан ҳам ўқувчиларда ижобий таассурот қолдиради. Ўқувчи ўз ишосида ҳаётда одамлардаги қандай хусусиятлар унга маъқул эканини ва фикр юритилаётган қаҳрамонларда қандай намоён бўлишини ёзиши керак. Образларга характе-ристика бериш туридаги иншолар бундай ёзма ишлар-дан шу жиҳати билан ҳам фарқ қилади. Ундан ташқар-ри, бундай иншоларда ўқувчиларнинг шахсий фикр-му-лоҳазалари ҳам асосий ўрин эгаллайди. «Анвар — мен севган қаҳрамон» темасидаги иншони олайлик. Ўқувчи ёзма ишда қандай масалаларни ёритиши, иншони қан-дай ёзиши керак? Агар талабамиз иншони шундай бош-ласа, яхши бўлар эди: «Мен ёш бўлсам ҳам, ҳаётда жуда кўп ҳар хил одамларни учратганман. Унлаб кино-фильмларни кўрганман, бадий асарлар ўқиганман. Ҳо-зирги пайтда инсон қандай бўлиши керак, қандай ху-сусиятларга эга бўлиши лозим? деган саволларга жа-воб бера оламан. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини жуда катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ёзувчи ўз китобхонини тасвирлаётган воқеаларни чизи-ғидан етаклаб бора олади. Шунинг учун ҳам «Меҳроб-дан чаён» китобхонларнинг энг севимли асарларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳақиқий санъат асари вақт ўтган сари ўз қадрини ошириб боради, дейишади. Уйлайман-ки, «Меҳробдан чаён» романи мисолида бу фикрни бе-малол исботлаш мумкин.

Асардаги Анвар ҳақиқий инсон сифатида менга жу-да ёқди. Тўғри, у ўтган асрда яшаган одам. Аммо, фикр-римча; инсон қайси даврда яшамасин, у, аввало, инсон бўлиши керак. Ахир Алишер Навоий бежиз:

«Инсон борки, инсонларнинг нақшидур,
Инсон борки, ҳайвон ундан яхшидур»,

демаган-ку!

Анвар ўтган асрда яшаганига қарамай, унинг жуда

кўп хусусиятлари менинг замондошларимга ибрат бу-
ла олади».

Иншода ўқувчининг иши фақат Анвар образига ха-
рактеристика беришдан иборат бўлмаслиги керак. У
қаҳрамондаги ўзига ёққан хусусиятларни таҳлил қи-
лиши ва уларнинг ёқиш сабабларини ёритиши лозим.
Хўш, Анвардаги қандай хусусиятлар ўқувчиларга хуш
келиши мумкин?

«Менда Анварнинг меҳнатсеварлиги катта таассурот
қолдирди. Мен севган қаҳрамон жуда камбағал оиладан
чиққан. Ҳатто оиласидагилар боқишга кучи ет-
магандан уни Солиҳ махдумга беришади. Анвар ёш-
лигиданоқ домланинг хонадонидида ичган тузунни оқлаш-
га ҳаракат қилади. У мактабдаги талабаларга таълим
бериб, Солиҳ махдумнинг оғирини енгил қилади. Ундан
ташқари, Раънони ўйнатади, уй юмушларини ўз зим-
масига олади. Шунча ишлар билан банд бўлишига қа-
рамай, ўз билимини ҳам ошириб боради. Мустақил му-
толаага киришади. Бир мактабдорнинг йўл-йўлакай
берган таълимининг ўзи Анварга етарли эмасди. Шу
боисдан кўшимча китобларни ўқишга ва ўқишга ури-
нади. Ҳар бир танишган асарига мустақил фикр бил-
диради. Бўлмаса, Бухорои шарифда йиллар давомида
таҳсил кўрган Абдурахмондан чуқурроқ билимга эга
бўлармиди? Анвар меҳнатсеварликни хон саройига иш-
га ўтганда ҳам қолдирмайди. Меҳнатга муҳаббат билан
қараш унда камтарлик, меҳнат аҳлига ҳурмат билан
муносабатда бўлиш хусусиятини шакллантиради. Анвар
шунинг учун ҳам сармояси етишига қарамай, отда
юришга одатланмайди. Сафар бўзчининг мушкулни
осон қилиб, ундан ҳеч нарса олмайди».

Ўқувчининг бундай фикр билдириши ўқитувчининг
машғулоти тарбиявий жиҳатдан тўғри уюштирилгани-
ни кўрсатади. Дарс машғулотларида бадий асардаги
образларни, аввало, уларнинг меҳнатга бўлган муноса-
бати орқали ижобий ёки салбий образга ажратишни ўр-
натганимиз, ўқувчида қаҳрамоннинг меҳнатсеварлиги
учун қаҳрамонга ҳурмат уйғотишимиз лозим. Албатта,
фикр юритилаётган шахсни «меҳнатсевар эди» деб қўя
қолиш кифоя эмас. Бу фазилят, асар мазмунидан келиб
чиққан ҳолда, ўрни билан қайд этиб борилиши керак.
Шундагина ўқувчи дидли китобхон сифатида ўз фикр-
ларини шарҳлашга, мисоллар орқали исботлашга ўрга-
нади.

«Анвар — мен севган қаҳрамон» темасида ёзиладиган иншонинг давоми образнинг садоқатли инсон эканлигига бағишланиши мумкин:

«Армия сафида хизмат қилган солдатлар биронта одамни у билан разведкага бора олишлари ёки бора олмасликларига қараб ажратадилар. Мен Анвар билан ҳеч иккиланмай разведкага борар эдим. «Меҳробдан чаён» романида Анварнинг учта одамга катта садоқат билдирганининг гувоҳи бўлдим. Анвар ёшлигида Насим исмли дўстидан ажралиб қолади. Уни биронта одам мажбурлаб Насимникига, унинг гўри теласига жўнатмайди. Анварнинг ўз дўстига бўлган садоқати уни Насимнинг уйига ва мазористонга етаклайди. У кечалари билан ўртоғиникида қолиб кетади. Соатлаб унинг гўрини қучоқлаб ётади. Ҳатто дўстига бағишлаб қалб изтиробини ифодаловчи газал битади. Ўша газалда қуйидаги мисралар бор:

Насимим кетди оламдан мени қайғу аро ташлаб,
Кўзимдан оқса хун, ҳеч бир ажаб йўқ, чунки қон йиғлар.

Уйлайманки, бундай иш фақат ҳақиқий дўстнинггина қўлидан келади. Энг муҳими, Анвар ўз садоқатини олий даражадаги инсоний хислатлар воситасида ўта самимий ҳолда изҳор қилар эди. Унинг самимийлигига мен қойил қолдим. Кўпинча Анвардек дўстимнинг йўқлигидан афсусланаман. Қани энди менинг ҳаёт йўлимда ҳам ана шундай одам учраса! Мен унинг бир садоқатига ўн садоқат билан жавоб қайтарар эдим.

Анвар ўз садоқатини Раънога нисбатан ҳам билдиради. Раънони Худоёрхонга фотиҳа қилишганда, Анвар хон саройида мирзабошилик вазифасини бажараётган эди. У иқтисодий жиҳатдан таъминланганди. Обруйи ҳам ёмон эмасди. Шундай экан, унда Раънодан воз кечиб, бошқа биронта гўзал қизга уйланиш имкони бор эди. Аммо Анвар ҳақиқий инсон, ошиқ бўлгани учун ўз Раъносини хон чангалига ташлаб қўймайди. Бевосита хон саройида хизмат қилаётган Анвар ўз хатти-ҳаракати учун хон томонидан қандай жазога дучор этилишини жуда яхши билади. Бироқ ҳар қандай жазо уни аҳдидан қайтаролмасди. У ўз севгилисига садоқат билдириб, ҳар қандай олий унвонлардан воз кечади, ўлимга ҳам тайёр туради. Менинг ҳаётимда ҳали бундай вазият бўлгани йўқ. Айнан шундай ҳолатда Анвардек мард ва ҳақиқий ошиқ бўлишни истар эдим.

Анвар романда садоқат билдирган учинчи одам Султонали эди. Худоёрхон Анвар учун Султоналини қатл қилиши ҳақида жар солади. Хоннинг маккорлигини яхши тушунган Анвар ўз дўстини фожиали ҳолатда қолдириб кетмайди. У энди ҳаёт-мамот курашига бел боғлайди. Менга Анвардаги муҳим нарсаларнинг даражасини белгилаш қобилияти жуда маъқул бўлди. Анвар зарур пайтда Раънони олиб қочди, уни яшира олди. Аммо Султоналининг ҳаёти қил устида турган пайтда энди Раънони ишончли қўлларга топшириб, хон ҳузурига дўстини қутқариш учун борди. Ҳатто хоннинг олдида дўстининг кейинги ҳаётини таъминлаш учун унга заҳарли сўзларни айтади. Уйлайманки, ҳар ким ҳам Анварчалик ўлимга тик қарай олмаса керак. У Худоёрхонга ҳеч ким журъат қилолмаган гапларни айтишдан қўрқмайди. Бундай инсонни севмай, ҳурмат қилмай бўладими?!»

Иншонинг ана шу йўсинда ёзилиши ўқувчининг роман текстини шунчаки ўзлаштирганидан эмас, асар қаҳрамонлари билан мукамал танишганидан далолат беради. Унда маълум даражада мантиқий фикрлаш қобилиятининг шаклланаётганини кўрсатади. Кейинги қисмларда Анварнинг Солиҳ махдум, Абдурахмон кабилар билан муносабати, унинг самимий, билимдон, андишали йигит эканлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Хусусан, қаҳрамоннинг шоиртабиатлиги ҳақида иншода қуйидагича фикр билдириш маъқул.

«Абдулла Қодирий Анвардаги гўзалликни қадрлаш фазилатини ҳам ифодалайди. У гулзордаги гулларнинг чиройидан баҳра олади, тўлқинланади. Ҳаётдаги гўзалликни илғаб олишга ҳаракат қилади. Анвардаги шоирлик истеъдоди ҳам менда катта таассурот қолдирди».

Адабий-ижодий мавзулардаги иншоларда программада ўрганилган адиб ижоди ҳақида ўқувчи олган таассуротни ҳам баён қилиши мумкин. Маълумки, адабиёт программасида ўзбек адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, бадиий ижодда ўзига хос ўринга эга бўлган адибнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилади. Уқувчига программада ўрганилган санъаткор ижодининг кўп жиҳатлари маъқул бўлиши табиийдир. Уқитувчи дарс машғулотларида ёзувчи ёки шоирнинг қандай сифатлари, унинг ижодидаги қандай хусусиятлар маъқул бўлиши мумкинлиги ҳақида йўлланма берса, янада яхши.

Тажриба шуни кўрсатадики, ёзувчининг шахсий ҳаётида бўлиб ўтган ибратли воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳи-

қоя қилувчи замондошлар хотираси ўқувчиларда ижодкорнинг ижодига ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Ҳамза Ҳакимзода, А. Қодирий, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода каби атоқли адибларимиз ҳақидаги хотиралар китоб шаклида нашр қилинди. Ҳ. Олимжон ҳақида эса «Сен элимнинг юрагида яшайсан» номли китобча эълон қилинди. Ўқитувчи, кези келганда, ана шу китобларни ўқишга тавсия қилса, уларнинг айримларидан олинган парчаларни ўқувчиларга ўқиб берса, ёмон бўлмайди. Масалан, Ҳ. Олимжон ҳақидаги хотиралардан бирида шоир Чустий шоирнинг фожиаси — авариядан кейинги ҳолати ҳақида ёзган. Унда ўлим билан олишиб турган шоир, ёрдам бериш тараддудиди яқинлашаётган Чустийга Уйғундан хабар олиш лозимлигини илтимос қилади. Бу дақиқаларда тортилаётган азоб фақат шоирнинг ўзигагина маълум эди. У ҳаётдан кўз юмиши аниқ эканлигини ҳис этарди. Аммо шундай пайтда ҳам шоир ўз ҳамроҳини, қаламкаш дўстини ёдидан чиқармади. Бу Ҳ. Олимжоннинг истеъдодли шоиргина эмас, ҳақиқий инсон эканлигини ҳам кўрсатувчи ибратли воқеа эди. Агар ўқитувчи ўз суҳбатларида сеvimли адиб ҳақида ёзиладиган иншода унинг инсоний фазилатларини ҳам ёзиш мумкинлигини таъкидласа, ўқувчи «Ҳ. Олимжон — мен сезган шоир» темасидаги ёзма ишида Чустийнинг хотирасини албатта эсга олади ва бу билан иншонинг савияси маълум даражада кўтарилади.

Ўқувчи сўз санъаткори ижодидаги истаган асарни, образни таҳлил қилиш орқали унга бўлган илиқ муносабатини баён этиши мумкин. Фақат у ёзган иншо асар ёки образ таҳлилига бағишланиб қолмасин. Ўқувчи унда бутун эътиборини адибнинг маҳоратига, истеъодининг қирраларини очишга қаратиши лозим. Айни пайтда адибнинг бошқа санъаткорлардан фарқини ҳам таҳлил эта олса, нур устига аъло нур бўлар эди. Шоир ёки ёзувчининг такрорланмас услубини ўқитувчининг ўзи айтиб ўтиб, ўқувчининг фикрлаши учун маълумот беради: Абдулла Қодирий ижодида қаҳрамонларнинг нутқига, тарихий шароитнинг табиий ифодаланишига, қаҳрамонлар ўргасидаги муомаланинг илиқлигига; С. Айний ижодида феодал жамиятининг қаттиққўл тартиблари, қаҳрамонлар тақдиридаги фожиали ҳолатлар тасвирига; Ҳ. Олимжон ижодидаги поэтик ранг-барангликка, табиат гўзаллигининг жўшқин акс этишига эътибор бериш талаб этилади. Масалан, «А. Қаҳҳор —

мен севган ёзувчи» темасини ёзган ўқувчи ўз ишида адибнинг ўз китобхони билан самимий муносабатда бўлишини айтиши мумкин. Ўқувчи: «А. Қаҳҳор ўз асарларида ўқувчини бекордан-бекорга овора қилиб алдаб юрмайди. Ортиқча тафсилотларга берилмайди. У ёзган асардан биронта сатрни ўчирадиган бўлсак, мазмунга зарар етади. Мен бадий адабиётни яхши кўраман. Баъзан қўлимга тушган китобнинг саҳифаларини шунчаки кўздан кечириб варақлаб ташлайман-да, тузукроқ ўрнида ўқиб кетавераман. Бироқ севган ёзувчим А. Қаҳҳорнинг биронта ҳикоясиңи, қисса ёки романини ана шу усулда ўқий олмаганман. Чунки унинг қалами теккан асарда кераксиз саҳифанинг ўзи бўлмайди. Менга яна ёзувчидаги фавқулодда гап топиш усули жуда ёқади. «Синчалак»даги Саида билан Қаландаровнинг жанжаллашиб қолган пайтларидаги суҳбатларини олайлик. Қаландаров Саидани осмон тушиб кетса, ушлаб қоламан, деб ётадиган синчалакка ўхшатади. Бундай ўхшатишга мос жавоб топиш менга жуда мушкул туюлган эди. Лекин Саида ўша заҳоти Арслонбек акани мен қичқирмасам тонг отмайди, деб кеккаядиган хўрозга қиёслайди. Ҳар икки қаҳрамоннинг ўхшатишлари мантиқий жиҳатдан ҳам, бадий жиҳатдан ҳам яхши. Ёзувчининг асарларида ҳеч ўйламаган гапларга дуч келдим. «Оқ пошшо пошшодан кетган бўлса ҳам, оқ амин аминликдан тушмабди», «Ўйинга ўғри тушса, болангни сандиққа беркитиб, қўшнингни чақирмайсан-ку», «Қариганда хўрозқанд яламай домла ҳам ўлсин», «Араванинг гупчагини эксангиз, бодринг ўсиб чиқади» каби гапларни билиш учун ҳам бу ёзувчининг ҳамма асарларини ўқиб чиқса арзийди. Адибнинг ҳар бир асарида бундай жумлалар уни бошқа ёзувчилардан фарқлаб туради», — деб ёзса, аини муддао бўлур эди.

Энг муҳими, ўқувчи ишода адибнинг асарлари билан таниш эканлигини, ўша адибни ҳақиқатан ҳам севишини кўрсата олиши керак. Афсуски, бундай темалардаги иншолар кўпинча ёзувчига аталган услубий мадҳиядан иборат бўлиб қолмоқда. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодига тааллуқли маълумотлар санаб ўтилади, кейинчалик унинг асарлари жаҳон адабиётининг хазинасини муносиб равишда бойитган санъат намуналари экани баландпарвоз жумлалар билан қайд этилади. Биз ўрганаётган ёзувчиларимизга объектив баҳо беришга одатланганмиз, ўз ўқувчиларимизни ҳам шунга ўр-

гатинимиз керак. Алишер Навоий «Ҳамса»си билан албатта жаҳон адабиётини бойитди. Аммо ўзбек совет адабиёти вакилларининг ҳамма асрларига ҳам шундай баҳо бераверишимиз тўғри эмас.

Ўқув программасида ўрганилган асар ҳақида шахсий таассуротларни ёзишни талаб этувчи темалар адабий-ижодий иншоларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Одатда, бундай иншолар роман, драма ва поэмалар ҳақида ёзилади. Баъзан лирик шеърларга ҳам мурожаат қилиш мумкин. Иншони ёзиш асарнинг ўқувчида қолдирган таассуротини, гоёвий йўналишини, айрим характерли эпизодни, мукамал яратилган образни, бадий хусусиятларни таҳлил этиш орқали амалга оширилади. Аммо иншо асарни адабий-танқидий нуқтаназардан таҳлил қилишга бағишланиб қолмаслиги лозим. Афсуски, бирон асарнинг ўқувчида қолдирган таассуроти ҳақида ёзилган иншолар ҳозирги давр талабига жавоб бермаяпти. Уларда анъанавий равишда дарсликдаги гапларни такрорлаш етакчилик қилмоқда. Талабаларимиз бевосита бадий текст билан мукамал танишиб чиқмаганлари ҳолда, асарнинг уларда қолдирган таассуроти ҳақида иншо ёзишга уринмоқдалар. Иншо авторларидан асар билан танишганларини сўраганимизда, аксари хрестоматиядаги парчани ўқиганликларини, мазмунини эшитганликларини ёки кинофильм (телефильм)ини кўрганликларини айтишдан нарига ўтмайдилар. Юқорида қайд қилинган темаларда иншо ёзиш учун аввало бадий асар ўқувчи томонидан ўқиб чиқилиши, ҳатто айрим парчалар икки-уч марта қайта кўздан кечиррилиши, энг муҳим ўринлар ёд олинishi лозим. Яъни бадий асар, ҳақиқатан ҳам, ўқувчида жуда яхши таассурот қолдирган бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай темани ёзгандан ёзмаган маъқулдир.

Ўқувчининг бадий асардан олган таассуроти ҳақидаги иншода асар текстини бошдан охиригача таҳлил қилиш шарт эмас. Ўқувчи ўзига таъсир қилган энг қизиқарли эпизодларни, нутқий парчаларни ажратиб олиб, ўз фикрини баён этиши мумкин. Масалан, «Она» романида бир неча саҳифа ажратилганига қарамасдан айрим ўқувчиларда Михаил Власов образи кучли таассурот қолдиради. Ёзувчи бу образни ўта эҳтирос билан яратган. Михаил Власов образида Россиядаги ишчилар синфининг тўнғич вакили хусусиятлари акс этган. Унинг майда тафсилотларга ҳуши йўқ. Михаил Власовнинг

маънавий дунёси ҳам ўзига хос. Бошқа ёшларга ўхшаб қизлар билан юрмаган, кўчаларни тўлдириб қўшиқ айтмаган. Кўнглига ёқиб қолган Пелагеяга биринчи кўришдаёқ совчилар боришини айтади. Ўз оиласининг зўрға ҳаёт кечиришига етадиган пулига тегмасдан хотинига беради. Ижтимоий ҳаёт ҳақида ўз мулоҳазаларини ҳам ерда айтиб юрмайди. Аммо завод ҳақида, ишчиларнинг оғир меҳнат шароити ҳақида ўз мулоҳазаларига эга. Бу дунёқараш касал пайтида доктор чақирилишини кескин рад қилишида намоён бўлади. Завод мастерларининг ундан чўчиши ҳам, беш-ўн кишининг унга яқинлаша олмаслиги ҳам доктордан воз кечиши олдида ҳеч гап бўлмай қолади. Даволанишдан воз кечишни мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумга нисбатан исёнкорлик деб қараш мумкин. М. Горький Михаил Власовнинг ёши ўтиб қолгани сабабли инқилобий ҳаракатларда қатнаша олмаслигини, аммо капитализмни ич-ичидан ёмон кўришини ўлимдан қўрқмаслиги орқали тасвирлашга муваффақ бўлган. Бундай образ ёш ўсмирга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Фақат унга ўқувчи диққатини усталик билан қаратиш керак, холос.

Машгулотлардан бирида ўқувчилардан Михаил Власов ҳақида қисқача сўзлаб беришни сўрадик. Натижабиз ўйлаганимиздан яхшироқ бўлиб чиқди. Ўқувчилар Михаил Власов ҳақидаги фикрларини баён этар эканлар, синф иккига ажралиб қолди. Бир томон қаҳрамонни оқлар, иккинчи тараф қоралар эди. Бир ўқувчининг гапидан сўнг бутун гуруҳа аста-секин Михаил Власовни оқлашга ўта бошлади. Ҳақиқатан ҳам, агар ҳар бир одамга кун кечириш ўзининг меҳнати эвазига асосланганини ҳисобга олиб мазкур қаҳрамонга баҳо берадиган бўлсак, ижобий хусусиятлари аста-секин намоён бўла бошлайди. Ўзини туттишдаги салбий хусусиятлар эса мавжуд тузумга нисбатан муросасиз муносабатнинг оқибати экани сезилади.

Бадий асардаги ана шундай ҳолатларни таҳлил қилиш, айниқса, дарсликда фикр билдирилмаган масалаларни ўртага қўйиш, уларни имконият доирасида ҳал қилишга уриниш ўқувчида асар қолдирган таассуротларнинг жонли, қизиқарли, ўқишли чиқишини таъминлайди.

Ўқувчи ўз иншосида бадий асарда ифодаланган табиат манзараси ҳақида фикр юритиши ҳам мумкин. Масалан, Ҳамид Олимжон ўзининг «Зайнаб ва Омон» поэ-

масида Зайнабнинг Омонга мактуб ёзиш эпизодини табиатда ҳукм сураётган тун билан моҳирона боғлашга муваффақ бўлган. Поэмада чор атроф тун қўйнига чўмганлиги айтилади. Дараларда, далаларда, адирларда тун. Бутун табиат ухламоқда. Қушлар, ҳамма ҳайвонлар, ҳатто дов-дарахтлар ҳам маст уйқуда. Фақат Зайнаб бедор. У ўз севгилиси Омонга мактуб ёзиш тараддудида. Қайта-қайта қоғозга кўчирилган дил сўзлари уни қониқтирмайди. Охири Омоннинг ўзи сўз очишига умид қилиб ёзишни тўхтатади. Кўп ўтмай колхоз даласида ишлаш учун отланган колхозчиларга қўшилиб далага кетади. Шоир табиат билан инсон ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларнинг фалсафий ечимини топади. Инсон — табиатнинг ажралмас қисми. Шу билан бирга, унинг табиат яратган олий мавжудот сифатида ўзига хос олами бор. Ҳ. Олимжон бу эпизод орқали ҳам табиат гўзаллигини, ҳам Зайнабни қийнаётган ишқ изтиробини, ҳам ундаги ифратини ва айни пайтда ундаги меҳнатга бўлган масъулият ҳиссини диалектик бирликда акс эттирган. Эстетик диди маълум даражада шаклланган ўқувчигина ўз иншосида бундай тасвирларга эътибор беради. Иншоларни таҳлил қилаётганда, бундай ўқувчиларни рағбатлантириш, бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш яхши натижа беради.

Айрим ўқувчилар бадиий асардан олган таассуротларини ёзар эканлар, ундаги жисмоний куч синашларга кўпроқ тўхталдилар.

«Бой ила хизматчи» драмасида Ғофир билан Холматнинг олишуви, «Қуллар» романида қулларнинг бош кўтариши, «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи билан Қора Аҳмаднинг уришиш эпизодлари уларни кўпроқ қизиқтиради. Жумладан, Йўлчи жисмоний бақувват чанани Қора Аҳмадни енгади. Қўлидаги пичоқни унинг биллагини омбур қисгандек қисиб тушириб юборади. Қаллақесар, каззоб Қора Аҳмад Йўлчига тан бериб, унга ёрдам қўлини чўзади. Уқувчи иншоода ана шу эпизодларни кенг таҳлил этади. Бундай иншоларни текширганда ўқитувчи ўқувчи эътиборини ёзувчининг мақсадига қаратиши керак. Ойбек бу эпизод орқали Йўлчининг ҳақиқатан бақувват эканини китобхонга яна бир карра таъкидлайди. Ундан ташқари, унинг дов юраклигини, Гулнор учун ҳар қандай курашга тайёр эканини ҳам айтади.

Уқувчи асардаги ҳар бир тасвир, ҳар бир ифодадан ёзувчи қандай мақсадни назарда тутганини англаш лаё-

қатига эга бўлиши лозим. Шундагина у таҳлил қилишнинг элементар малакасини эгаллай бошлайди.

Хуллас, адабий-ижодий иншоларни ёзишда ўқувчи кўпроқ ўзининг шахсий фикрларига суянади. Бадий таҳлилнинг элементар қонун-қоидаларидан фойдаланган ҳолда сўз санъатининг мухлиси сифатидаги мулоҳазаларини баён этади. Айни чоқда ўқитувчининг дарс машғулотлари давомида айтган фикрларидан ҳам фойдаланади. Дарсликдаги материалларга асосланади. Адабий-ижодий иншоларни ёзиш ўқувчида иждодий (эркин) темадаги иншоларни ёзиш учун замин, тажриба ҳосил қилади. Адабий, адабий-ижодий иншоларнинг ёзилиш методикасини яхши эгаллаган ўқувчилар эркин мавзудаги ёзма ишларда қийналмайдилар.

ИЖОДИЙ (ЭРКИН) ИНШО

Урта махсус билим юртларида адабиёт фани машғулотларини олиб борувчи ўқитувчининг вазифаларидан бири ўз ўқувчиларини мустақил фикрлашга, мулоҳазаларини саводли ёзишга ўргатишдир. Иждодий иншо ўқувчиларда программада назарда тутилган темалар ҳақида фикр юритиш малакасини ҳосил қилишга кўмаклашишдан ташқари, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга синчковлик билан назар ташлаш, уларни таҳлил қилиш, умумий дунёқарашни ривожлантиришга интилиш кўникмаларини ҳам ҳосил қилади.

Иждодий иншолар тематик жиҳатдан адабий ва адабий-ижодий иншолардан фарқ қилади. Аммо бу ҳолат иншоларнинг адабиёт фани билан боғлиқлигига путур етказмаслиги лозим. Тўғри, айрим мавзулар характер жиҳатдан адабиёт фанидан анча йироқдек туюлади. Ватанимиз тарихи, совет халқи босиб ўтган ҳаёт босқичлари, партиянинг халқ билан бирлиги, комсомолнинг жасорати каби ўнлаб мавзуларни ёзишда адабиёт фанидан олинган маълумотлар иккинчи даражали ўринга ўтиб қолгандек бўлади. Ўқитувчи эркин темада иншо ёзаётган талабасига адабиёт фанини мутлақо четлаб ўтган ҳолда иншо ёзиш нотўғри эканлигини тушунтириши зарур. Баъзи иншоларни тарих фанидан ўрганилган айрим темаларнинг конспектларидан, ижтимоий ҳаёт ҳақида бетартиб фикр юритилган мулоҳазалардан, матбуотда эълон қилинган ҳисоботдан ажратиб бўлмайди. Бундай иншоларда тарихий воқеаларнинг содир бўлиши тафсилотлари муфассал ёзилади. Айниқса, пахта ҳақидаги

иншоларда умумий ҳосилнинг ошиб бориш даражасидан тортиб республика, область, район территориясида ҳар бир гектардан олинадиган центнергача ёритилади. Аслида эркин иншода кўпроқ тарихий воқеа-ҳодисаларнинг аҳамияти, улар инсон онгида қандай ўзгариш ясаганлиги, бадний адабиётдаги тасвири ҳақида ёзилиши ва, ниҳоят, ўқувчининг мустақил фикрлари, таассуротлари ифодаланиши лозим. Адабиёт фанидан олинган айрим зарур маълумотлар берилиши, сўз санъати намуналаридан маърифий қониқиш ҳисси сезилиб туриши лозим.

Ижодий иншоларнинг услуби ҳам ўзига хос бўлади, хусусан, уларда публицистик йўналиш етакчилик қилади, эмоционал мурожаат кўпроқ бўлади. Масалан, математик бўлишни орзу қилган ўқувчи ўз фикрини қуйидагича баён этади:

«Мен математика фанини севаман. Бу фани севмай бўладими? Тасаввур қилинг, космосда юзлаб сунъий йўлдошлар, космик кемалар гўзал еримизни кузатиб учмоқда. Халқимизнинг мушкулени осон қилаётган машиналар, ҳатто, синфлардаги юз минглаб парталар ҳам математик ҳисоблар асосида бунёд этилади. Урта Осиёда яшовчи халқларнинг буюк фарзандлари Умар Хайём, Беруний, Улуғбек каби олимлар бутун дунёга математик сифатида танилдилар. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Мен ҳам ана шу соҳани эгаллаб, халқимнинг мушкулени осон қилсам, қўлимдан келганича хизмат қилсам, дейман».

Иншонинг дастлабки қисмдан иборат бу кўчирмада ўқувчининг эркин темада ёзиладиган иншо услуби ҳақида дуруст малакаси борлиги сезилади. Иншода унинг ўзи қизиққан фанига эътиқод ва ҳурмат билан қараши ифодаланган. Ижодий иншонинг ёзилиш методикасига мос ҳолда фикр юритилган.

Эркин иншо ўқувчиларимизнинг партия ва ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган муносабатини аниқлаш имконини беради. «Урта ва махсус ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари»да ёш авлоднинг ғоявий-сиёсий тарбиясига алоҳида аҳамият берилган. Ўқувчиларни мафқуравий жиҳатдан тўғри тарбияламай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган марксизм-ленинизм ғояларига содиқ авлодни вояга етказиш мумкин эмас. Гурупа раҳбари ва адабиёт ўқитувчиси синфдан ташқари

суҳбатларида социалистик тузумнинг капитализмдан афзал томонлари асослари, ўтган даврда йўл қўйилган камчиликлар, совет халқининг ватанпарварлик йўлида кўрсатган жасорати, масъулият ҳақида ўқувчиларга баландпарвоз сўзларсиз маълумот беришга ҳаракат қилади. Тажриба шуни кўрсатадики, чет эл ҳаётидан олинган реал фактларни таҳлил қилиш тарбиявий жиҳатдан ҳар қандай дабдабали гаплардан яхшироқ натижа беради. Капиталистик дунёдаги ёшларнинг аянчли тақдири ҳақидаги катта маърузадан кўра А. Ориповнинг «Нега Римга келдинг, тунислик бола?» шеърини ўқиб бериш ва шу шеърнинг ёзилиш тарихини айтиб бериш маъқул. Яшаш учун ҳеч қандай имконияти қолмаган боланинг Римга иш ахтариб келгани ва тунда бекорчиликдан зериккан оқбилак ўсмирлар томонидан ҳақиқ юборилиши шоирнинг қалбини тугёнга солгани ҳақида сўзлаб беришнинг катта тарбиявий аҳамияти бор.

Ўқувчи иншода ўз фикрларини совет адабиёти, ўзбек совет адабиёти намуналари асосида исботлашга уринса, жуда яхши бўлади. Хусусан, Улуғ Ватан уруши йилларида халқимизнинг фашист босқинчиларига қарши кураши ҳақида ёзган ўқувчи тарих фанидан олган маълумотларига, уруш ветеранлари, оила аъзолари суҳбатларидан олган таассуротларига суянади. Айни пайтда уруш ҳақидаги кинофильмларга, Ойбекнинг «Қуёш қораймас», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», О. Ёқубовнинг «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», Шухратнинг «Шинелли йиллар», У. Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» каби асарларига мурожаат қилиш, ҳужжатли фильмлардан мисоллар келтириш лозим. Аммо, шу билан бир қаторда, ўзининг уруш ҳақидаги фикрларини ҳам баён қилишни эсдан чиқармаслиги керак. Эркин теманинг яна бир хусусияти шундаки, ўқитувчи иншони баҳолаётганда унинг мазмунидан ўрин олган фактлар темага боғлиқ бўлса, ортиқча эътироз билдирилмайди. Масалан, Ойбекнинг прозаик ёзувчи эканини ёритиш лозим бўлган иншода ёзувчининг «Навоий», «Улуғ йўл» каби асарлари тилга олинмаса, хато ҳисобланади. Аммо эркин темада фактларни тилга олиш-олмаслик ўқувчи ихтиёридадир. Ўқитувчи фақат маслаҳат овози билан иншо мазмунида баён қилинган фактларни муҳокама қилишга ҳуқуқли. Агар иншо тексти тавсия этилган темани ёритишга қаратилган бўлса, унда иккинчи даража-

ли фактлар ўқувчи назарида асосий ҳисобланса-ю, у ана шу фактга кўпроқ эътибор берган бўлса, ўқитувчи унга ортиқча танбеҳ бермагани маъқул. Ўқувчининг хатосини оҳиста тушунтириб кетгани кифоя. Аммо бу камчилик учун иншо баҳосини пасайтириш унчалик тўғри эмас. Чунки ҳар бир кескин чора ўқувчида эркин иншога иштиёқни сусайтириши мумкин.

Эркин темада ёзиладиган иншоларда ўқувчи эркин фикр юритиши, кези келганда, шахсий таассуротларига берилиши мумкинлигини унутмаслик керак. Тажриба шуни кўрсатадики, баъзан ўқувчи иншони тавсия қилинган темага мутлақо алоқаси йўқ фикрни баён қилишдан бошлайди. Аммо, маълум фурсат ўтгандан сўнг, бу фикр тема билан боғланади. Агар ана шу боғланишда манتيқий асос бўлса, бу иншо авторига эътироз билдирилмаймиз.

Сиёсий тематика «Қайта қуриш — давр талаби», «Комсомол — партиянинг содиқ ёрдамчиси», «Ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қачон унутилмайди», «СССР — тинчлик таянчи», «Пахта — Ўзбекистоннинг ифтихори» каби мавзуларни ўз ичига олади. Ўқувчплар бундай иншони ёзишда газета, журнал, радио, телевидение материалларидан, шахсий кузатувлардан фойдаланадилар. Текст изчил ва раво чикиши учун план тузиш зарур экани уқтирилади. Бунда содда план тузилгани маъқул. Масалан, «Пахта — Ўзбекистоннинг ифтихори» темасидаги иншога қуйидагича план тузиш маъқул:

П л а н:

1. Пахтакорлик — ўзбек халқининг азалий машғулотли.
2. Пахта халқ хўжалиги учун энг зарур маҳсулотдир.
3. Шарафли касб ҳақидаги ўйларим.
4. Оқ пахтада қора доғлар бўлмасин.
5. Тобора юксалавер, оқ олтин хирмони!

Баъзи ўқувчилар эркин темадаги иншоларни плансиз ёзишга уринадилар. Ўқитувчи муҳокама пайтида плансиз ёзилган иншолардан парча ўқиб, уларда изчиллик бузилганини исботлаб беради.

Касб-ҳунар мавзуида ёзиладиган иншоларда мамлакатимизда ҳамма касбларнинг эъзозланиши ҳақида фикр юритилади, танланган соҳани бошқа соҳаларга қарама-қарши қўйиш мумкин эмаслигини айтади. Айни чоқда иншони ўқиган кишида ана шу касбга меҳр уйғо-

тиш зарурлигини ҳам уқтиради. Иншо шундай ёзилиши керакки, касб танлашга иккиланиб турган шахс иншо авторининг фикрига бефарқ қарай олмасин. Уқувчи ўз ишида нима учун айнан шу соҳани танлашга қарор қилганини, касбнинг тарихини, шу касб билан шуғулланувчи машҳур кишилар ҳаётини, орзуларини изҳор этсин. Уқиган адабиётларидан фикрлар келтирсин. Агар мазкур касб соҳиблари ҳақида бадиий адабиётлар яратилган бўлса, уларни қисман таҳлил этсин. Хуллас, ёзма ишда ўқувчининг танлаган касб-ҳунарига нисбатан ҳурмати яққол сезилиб туриши лозим.

Эркин темалар қаторида ёзувчилар ҳақидаги иншолар ҳам муҳим ўрни тутади. Уқувчининг ўрта мактаб ва махсус билим юртида олган адабиёт фани ҳақидаги маълумотлари бундай иншонинг асосини ташкил этади. Адиб ҳақидаги иншоларда сўз санъатининг эстетик, маърифий ва тарбиявий аҳамиятига оид мулоҳазалар ҳам акс этиши лозим. Маълумки, ҳар ким ҳам ўз хоҳиши билан шоир ёки ёзувчи бўлавермайди. Бунинг учун табиат инъом этган иқтидор бўлиши керак. Ҳамма ҳам ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларда иштирок этади ёки уни кузатади. Ҳаёт ҳақида ўз мулоҳазаларини эга бўлади. Аммо ҳамма ҳам кўрган-билганларини санъат даражасида ифодалай олмайди. Шоир ва ёзувчиларни оддий китобхонлардан ажратиб турувчи фарқ ҳам ана шунда. Бу ўринда исталган бадиий асарни намуна қилиш мумкин. Ойбекиннинг «Қутлуг қон» асарида тасвирланган воқеаларга ўхшаш воқеаларни минг-минглаб одамлар билган, кўпчилигида иштирок ҳам этган. Бироқ фақат Ойбек Йўлчи, Гулнор, Мирзакаримбой, Ёрмат каби шахслар ҳаёти ва тақдирини бадиий сўз орқали ифодалаш билан инқилоб арафасидаги ўзбек халқи кечирган турмуш тарзини, унинг уқубатли тақдирини, озодликка бўлган интилишини кўрсата олди.

Асрлардан буён она юртимизга ҳар йили баҳор ўзининг келинлик сепини ёйиб меҳмон бўлади, ўрик гуллари кишини ўзига мафтун этади, баҳор шабадаси унга роҳат бағишлайди. Аммо фақат Ҳамид Олимжон даразаси олдида оппоқ бўлиб гуллаган ўрик билан сўзлашишга, табиат ва инсон ўртасида таржимонлик қилишга, ўз бахти ҳақида, ўтмишда гул кўрмай йиғлаб ўтганларнинг қисмати ҳақида шоирона фикр юритишга муяссар бўлди.

Маълумки, эркин темада ёзиладиган «Мен севган

адиб» темасидаги иншоларда билим юрти адабиёт фа-ни программасида алоҳида ўрганилмайдиган сўз санъ-аткорларининг ижоди ҳақида фикр юритиш назарда ту-тилади. Бинобарин, Ойбек ва Ҳ. Олимжон ижодлари-дан мисол келтирганимиздек, ўқувчи ишни ўзига маъқул бўлган ижодкор асарлари ҳақида шундай фикр юри-тишдан бошласа, хато бўлмайди. Уқувчилар кўпроқ му-рожаат этадиган Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Ну-руллаева, Ойдини Ҳожиева, Муҳаммад Али, Шукур Хол-мирзаев, Рауф Парфи каби сўз санъаткорларининг асарлари асосида бемалол ана шундай мулоҳазаларни баён қилиш мумкин. Уқувчининг ёзма ишида ўзида ҳурмат уйғотган адибга нисбатан чексиз меҳр-муҳаб-бат уфуриб туриши лозим.

Уқувчи ўз иншосида нима учун айнан шу адибни се-виб қолганини, адиб ҳақида қандай адабиётлар ўқиға-ни, унинг қайси асарлари билан таниш экани, бошқа сўз санъаткорларидан қандай хусусиятлари билан фарқ қи-лишини асосли равишда баён этиши керак. Иншода сев-ган адибнинг асарларидан парчалар келтириш ҳам жуда муҳимдир. Уқувчи ўз ишида мазкур санъаткорлар-нинг ўзбек адабиёти тараққиётида туган ўрнини аниқ-лашга уришини ҳам мақсадга мувофиқдир. Мустақил равишда ўрганилган адиб ижодини таҳлил қилишга ба-ғишланган иншоларга алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки келгусида эстетик диди шаклланган талабчан китобхон ана шундай ўқувчилардан етишиб чиқади.

«Мен севган қаҳрамон» темасида иншо ёзаётган ўқувчининг қаҳрамонни танлашига қараб дидини, муҳо-фаза доирасини билиш мумкин. Агар билим юртида ўқиётган ўқувчи Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асаридаги Ҳошимжон образини танласа, демак, у ёш болаларга хос фантазия оғушида сайр қиляпти. Агар шу ёзувчининг «Қасоскорнинг олтин боши» асаридаги Номозни танласа, демак, у табиятан саргузаштли ке-чинмаларга ишқибоз. Ўзининг ҳаётида қандайдир эсда сақланадиган қаҳрамонлик кўрсатиб, халқ хотирасида қолиш ҳавасида юрибди. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романидаги профессор Шомуродовни ёки Уктам Усмо-новнинг «Гирдоб» романидаги Азизни танлаган ўқувчи-ларнинг дунёқараши тамомила ўзгача бўлади. Тажри-бали ўқитувчи қардош халқлар адабиёти ёки чет эл адабиёти намуналаридаги қаҳрамонлар ҳақида иншо ёзган ўқувчилар ўз иншоларида ҳақиқатан яхши билган

мавзуларнинг ёки тасодифан танишган қаҳрамонлари ҳақида ёзганликларини тезда ажратиб олади. Агар ўқувчи ҳақиқатан ҳам қизиқувчан бўлса ва бошқа халқлар адабиётига суянган ҳолда ишро ёзган бўлса, ўқувчига ёзган мавзу бўйича кўпроқ китоб кўриниш доирасида ўқитирилади.

Ўқувчилар ўз ишларида танлаган қаҳрамонларини нима учун маъқул кўришларини ёздилар. Уларни бошқа образлар билан қиёслайдилар. Таҳлил қилишдаги шахснинг ростгўйлиги, мардлиги, продаллиги, залим парвар ва ватанпарварлигидан ўртак билишларини билиб эгадилар. Хуллас, бундай ишларда ўқувчининг бадиий адабиётдаги дўсти, қолаверса, идеал кишиси маълум бўлиши зарур.

ИНШОДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ГРАММАТИК ХАТОЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Ёзма ишда йўл қўйиладиган хатоларни тугатишнинг самарали усулларидан бири ўқув савияси жиҳатидан синфдошларидан орқада қолган ўқувчилар билан индивидуал ишлашни яхши йўлга қўйишдир.

Қашқадарё областида дарс берувчи тажрибали ўқитувчи Ёмғир Урозов билан қилган суҳбатим бу фикрни яна бир бор тасдиқлади. Мазкур ўқитувчи ўқув йилининг бошланишидаёқ группасидаги билими заиф ўқувчиларни алоҳида ажратиб, уларга қўшимча вазифа бериб борганини айтди. Уй вазифаси сифатида қуйи синфларда ўрганилган материаллар топширилган. Бир неча ой мобайнида муттасил ана шундай машғулотлар ўтказилган. Тахминан, учинчи чорак ўрталарида группасидаги ҳамма тингловчилар ўқув программасини яхши ўзлаштира бошлаган. Бу жараёнда ўқитувчининг ўзи ҳам билимини анча такомиллаштирган. Маълум бўладики, дарснинг ҳар бир минутидан максимал фойдаланиш, дарсдан бўш вақтларда мустақил мутолаага эътибор бериш ўзининг ижобий самарасини албатта кўрсатади.

Айрим ўқувчилар билан ўтказган суҳбатларимиздан аён бўлмоқдаки, бир қатор ўқитувчиларимиз адабиёт фанидан ўтказиладиган ёзма ишларга лоқайдлик билан қарар эканлар. Иншолар ўз вақтида ёздирилмайди. Ўқувчилар синфда ишро ёзишга улгурмасалар, уни тугатиш вазифаси уйга бериб юборилади. Натижада ўзини ўқувчига ишроини турли манбалардан кўчириб ке-

лиш имконини яратиб берамиз. Уқувчиларнинг иншоларини ҳамиша ҳам эътибор билан текширмаймиз. Айрим ҳолларда иншоларни текширишга гурӯҳдаги яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларни жалб қиламиз. Иншо хатолари устида ишлаш машғулотлари фақат баҳоларни эълон қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Иншолар ўқувчиларга қайтарилмайдиган ёки тезда йиғиб олинмайдиган ҳоллар ҳам рўй бермоқда. Бундай салбий ҳолатларга тез орада чек қўйишимиз, ўқувчи ёзадиган иншога катта ҳурмат билан қараш ҳиссини ўзимизда тарбиялашимиз лозим. Айниқса, билим юртларида ёзилмайдиган иншолардаги мустақил фикрни ривожлантиришга алоҳида диққат билан қарашимиз керак. Бирон темани ўқувчи қисқа муддатда ўзлаштириши мумкин. Аммо иншо ёзиш малакаси фақат йиллар давомида олиб борилган машаққатли меҳнат маҳсули сифатида вужудга келади. Иншода ўқувчининг ҳам фан асосларини ўзлаштириш даражаси, ҳам мустақил фикрлаш қобилияти, ҳам саводхонлиги диалектик бирликда намоён бўлади.

Бир қатор методист ўқитувчилар иншоларни текширишда имло хатоларини тасниф қилиш борасида ўз мулоҳазаларини республика матбуотида эълон қилдилар. Айримлар хатолар таснифини мураккаблаштиришни маъқул кўрмоқдалар. Уларнинг фикрича, хатоларнинг характерини аниқ белгилаш ўқувчилар саводини оширишдаги самарали тадбирлардан биридир. Бу тўғри, албатта. Аммо шу билан бирга, иш тажрибасида кўпроқ учратилмайдиган грамматик хатолар характеридан келиб чиққан ҳолда, уларнинг уч турига кўпроқ эътибор бермоғимиз маъқул. Хусусан, абзац қоидасига риоя қилмаган ҳолда техник хатога, баъзи маълумотларни нотўғри келтириш орқали фактик хатоларга йўл қўйиш ҳоллари кам учрашини ҳисобга олиш лозим.

Бу ўринда тилшуносларимиз грамматик хатолар турини аниқ белгилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатсалар яхши бўлар эди. Жумладан, ҳалигача қаратқич ва тушум келишинини қўллашда йўл қўйиладиган хатонинг орфографик ёки услубий деб белгилашда яқдиллик йўқ. Бизнингча, бундай хатоларни услубдаги нуқсон сифатида кўрсатиш маъқул. Уқувчи ўз шеvasига биноан иншо ёзганда, ёзма ишнинг услубига путур етса, услубий хато деб кўрсатилиши тўғри бўлади. Жумладан, иншо-

да ўрин-пайт келиниги қўшимчаси *-да* ўрнида юнналиш келишиги қўшимчаси *-да* қўлланса, ишро тилига салбий таъсир этувчи шевага хос сўзлар бўлиса, адабий тил нормасидан четга чиқилса, ишрода услубий хатога йўл қўйилган ҳисобланади. Агар «борди» — «бодди», «тўлиқ» — «тўлиқ», «келини» — «келинди» тарзида ёзилса, орфографик хатолар қаторига қўшилади.

Орфографик хатоларнинг кўп қамлиги ўқувчи саводини белгиловчи мезонлардандир. Орфографик хатолар грамматик қондаларга риоя қилмаслик, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчаларни ажрата олмаслик, рус, интернационал ва бошқа тиллардан қўшилган сўзларнинг ёзилишини билмаслик, сўзларнинг орфографик жиҳатдан тўғри ёзилишига амал қилмаслик каби бир неча нуқсонлар натижасида вужудга келади. Масалан, ўқувчи *тоққа* ўрнига *тоғга*, *Кремлда* ўрнига *Кремльда* деб ёзади. Демак, она тили дарсида келишикларнинг ёзилиши, «ь» белгиси билан тугалланган сўзларга қўшимчалар қўшилиши темаларини яхши ўзлаштирмаган ўқувчи кўпинча *сўнги*, *сўнги*, *тонгги*, *тонги* каби сўзларнинг ёзилишида ҳам имло хатога йўл қўяди. Сўнг, *тонг* сўзларига *-ги* сифат ясовчи қўшимчаси қўшилганда *сўнги*, *тонгги* тарзида ёзилади: «Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг сўнги йилларида бадний жиҳатдан янада мукамалроқ асарлар яратди». Бу сўзларга учинчи шахс эгалик қўшимчаси *-и* қўшилганда *сўнги*, *тонги* тарзида ёзилади: «Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг сўнгида бадний жиҳатдан янада мукамалроқ асарлар яратди».

Бинобарин, ўқитувчи имло хатолари устида ишлаш давомида она тили дарсида ўрганилган қонун-қоидаларни эринмасдан ўқувчиларга қайта тушунтирмоғи лозим.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар бир ўқитувчининг иш дафтарига ёзма ишларда хатога йўл қўйиладиган актив сўзларнинг қайд этилиши ва машғулотлар давомида уларнинг имлосини ўрганиш яхши натижа беради. *Таассурот*, *намоянда*, *мутафаккир*, *афзал*, *маъқул*, *маълум*, *татбиқ*, *табиёт*, *мадҳ*, *мукамал*, *муфассал*, *тадиқ*, *илм*, *зеҳн* каби сўзларнинг ёзилишига талабаларнинг эътиборини қаратиш керак. Бундай сўзларнинг умумий сони юздан ортиқ бўлиши мумкин. Машғулотлар давомида улардан 3-4 сўзни ўргатиб борсак ҳам ишодаги хатолар сони бирмунча камаяди.

Ўқувчилар *х* билан *ҳ* ҳарфлари иштирок этадиган

сўзларда кўп имло хатога йўл қўядилар. Бундай хатоларни тузатишнинг тўрт йўли бор. Биринчидан, ўқитувчи ўз нутқида мазкур сўзларнинг талаффузига эътибор беради. Ўқувчилардан ҳам тўғри талаффуз қилишни талаб этади. *Меҳнат* — меҳнат, *муҳаббат* — муҳаббат, *халқ* — ҳалқ тарзида айтилаверса, иншода ҳам ўқувчи шу тарзда ёзишга ўрганиб қолади. Тўғри айтилса, иншода ҳам имло хатосиз ёзилади. Иккинчидан, араб тилидан кирган айрим бир ўзакли сўзларнинг ёзлигини ўргатсак, бу сўзларнинг ёзилишида хатога йўл қўйилмайди. Хусусан, *хулқ*, *ахлоқ*; *аҳоли*, *маҳалла*; *ҳукм*, *маҳкум*, *маҳкама*, *муҳокама*, *ҳоким*, *ҳокимият* каби сўзларни уларнинг ўзагига қараб эслаб қолиш мумкин. Учунчидан, *ҳам* — *хам*, *ҳар* — *хар*, *ҳол* — *хол*, *ҳил* — *хил* каби маъно жиҳатдан фарқ қилувчи сўзларнинг ёзилишини эслаб қолиш орқали уларнинг ёзлигини ўрганиш мумкин. Тўртинчидан, донмий машқ ўтказиш орқали ҳам сўзларнинг ёзилиши ўрганилади. Бундай машқлар узлуксиз давом эттирилиши, имло хатолар устида ишлаш пайтида қайта-қайта эсга олинishi, ўрганилган сўзларни қўллашга ҳаракат қилиниши орқали амалга оширилади.

Иншоларда бир қатор пунктуация қондаларини билмаслик натижасида ҳам хатоларга йўл қўйилади. Кўпинча ўқувчилар кириш сўзлардан кейин вергул қўйишни билмайдилар. Уюшиқ бўлакларни ҳам вергул билан ажратмайдилар. Кўчирма гаплардаги тиниш белгиларини қўйишга ҳам масъулиятсизлик билан қарайдилар. Дарс машғулотларида ўқувчининг нутқидаги биронта гапни доскага ёздириб, унда йўл қўйилган пунктуацион хатоларни қондаларни эслаш орқали йўқотиш яхши натижа беради. Кўчирма, ўзлаштира гаплар ҳақида маълумот бериб бориш ҳам маъқул.

Услубий хатолар сўзларнинг маъносини яхши ўзлаштирамаслик, гаида сўзларнинг ўзаро боғланишига эътибор бермаслик натижасида вужудга келади. Иншоларда «*Саида образи меҳнатсевар, иродали ўзбек аёлининг типик вакилидир*», «*Ҳамид Олимжон асарлари ўқинишлидир*» каби гаплар учраб туради. Ўқувчи меҳнатсевар, иродали аёл образ эмас, Саида эканини аниқ англаб етмаган ҳолда гап тузади. Ёки асар ўқинишли бўлиши мумкин эмаслигини, мазкур сўз фақат инсонга нисбатан қўлланилишини билмасдан иншода қўллайверади. Бинобарин, ўқитувчи ўз талабаларига сўзлар-

ни қўллашда эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтириши лозим. Айни чоқда «Саида образи» эмас, «Саида—ўзбек аёлларининг типик вакили» экани; «Х. Олимжоннинг асарлари ўқимишли» эмас, «ўқишли» эканини тушунтиришимиз керак. Ўқувчининг иншода ёзаётган гапига масъулиятсизлик билан қараши натижасида қуйидагича жумлалар тузилганини кўрамиз: «Саида қўшни колхозларга илғор колхозчилар билан яқиндан танишади», «Саида каби совет даврида етишган хотин-қизларимизнинг юксак ролидан фахрланамиз» (жумлалар 55-ўрта махсус билим юрти ўқувчиси М. Ж. иншосидан айнан кўчирилди). Ўқувчи биринчи гапида нима учун «қўшни колхозларга» сўз бирикмасини ишлатади? Эҳтимол, у «қўшни колхозлардаги» — демоқчидир? Иккинчи жумлада «ролидан фахрланамиз» бирикмаси ҳам нотўғри қўлланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам ўқувчи ифодаламоқчи бўлган асл мақсадини аниқ тасаввур қилмаган ва онгида тўла етилтирмаган гапни дафтарга туширган. Бундай пайтларда ўқувчи йўл қўйган камчиликни ўзига яхшилаб тушунтириш орқалигина иш олиб бориш мумкин. Ёзилаётган иншодаги гапларнинг маъносига масъулият билан қараш ҳиссини ҳосил қилмай туриб ёзма ишлардаги грамматик хатоларни камайтириш мумкин эмас. Ўқувчи томонидан йўл қўйилган ҳар бир камчилик унинг тақдирига салбий таъсир этиши мумкинлигини ҳам уқтиришимиз керак.

Иншоларда йўл қўйиладиган грамматик хатолар устида ишлаш методикаси алоҳида йирик бир қўлланмага мавзу бўла олади. Қўлланмада бу масала ҳақида кенг ва атрофлича фикр юритиш мақсадини ўз олдимизга қўймадик. Шу сабабли фикрларимизни юқорида қайд қилинган айрим мулоҳазалар билан якунлашни маъқул топдик.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i>	3
Иншо ёзишга тайёргарлик	7
Иншо назарияси	16
Адабий темадаги иншо	28
Адабий-ижодий иншо	65
Ижодий (эркин) иншо	75
Иншода йўл қўйиладиган грамматик хатолар устида ишлаш	81

На узбекском языке

МАДАЕВ АМАНУЛЛА

КАК ПИСАТЬ СОЧИНЕНИЯ

Ташкент «Ўқитувчи» 1991

Муҳаррир *М. Собирова*
Бадий муҳаррир *Ж. Одилов*
Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусаҳҳилар: *Л. Мирзааҳмедова,*
М. Иброҳимова.

ИБ № 5448

Теринга берилди 20.03.90. Босинга рухсат этилди 5.04.91. Формати 84×108^{1/8}. Тип. қоғози № 2. Кегли 10 шпониз. Литературная гарн. Шартли б. л. 4,62. Шартли кр. -отг. 4,736. Нашр. л. 4,26. Тиражи 30000. Зак. № 605. Баҳоси 51 т.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Гошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—2—90.

Область газеталарининг М. В. Морозов номидаги босмаҳонаси ва бирлашган нашриёти. Самарқанд, ш. У. Турсунов кўчаси, 82. 1991.

Объединенное издательство и типография областных газет имени М. В. Морозова. г. Самарканд, ул. У. Турсунова, 82.

Мадаев О.

Иншо қандай ёзилади: Ўрта махсус ўқув юрт. - нинг ўқитувчилари учун методик қўлл. —Т. Ўқитувчи, 1991. —88 б.

МАДАЕВ А. Как писать сочинения: Метод. пособие для учителей.

ББК 74. 261. 8

